БУТУН ДУНЁ ПРОЛЕТАРЛАРИ, БИРЛАШИНГИЗ!

ЎЗБЕКИСТОН АДАБИЁТИ ВА САНЪАТИ

ЎЗБЕКИСТОН ССР ЁЗУВЧИЛАР СОЮЗИ ВА ЎЗБЕКИСТОН ССР МАДАНИЯТ МИНИСТРЛИГИНИНГ ОРГАНИ

ГАЗЕТА 1956 ЙИЛ 4 ЯНВАРДАН ЧИҚА БОШЛАГАН

1990 ЙИЛ

13 ИЮЛЬ № 28 (3080) ЖУМА

ОТДЕЛ Издательства ЦК. КП. Узб. ... № ... 19 г.

КПСС XXVIII съезди

ИХТИЁРИЙ ИТТИФОҚ САРИ

Мамлакат коммунистларининг олий анжумани ўз ишини якунламоқда. Кескин ва ошкора мунозаралар остида партиянинг қайта қуришга қаратилган сиёсий йўли, социалистик мезонлар доирасида партия ва жамиятни янгилаш сиёсати маъқулланди. Жамият эркинликка эришганлиги, куч-ғайратларни бўғиб турган эски ақидалардан холи бўлганлигимиз, миллионлаб кишилар ижтимоий фаолиятга актив жалб этилганлиги, маънавий покланиш жараёни изчил давом этаётгани қайта қуриш сиёсатининг ижобий натижалари деб эътироф этилди.

М. С. Горбачёв алтернатив асосда яширин овоз бериш йўли билан КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари қилиб сайланди. Компартиямиз тарихида унинг раҳбари биринчи марта Марказий Комитет Пленумида эмас, съездда сайланди. М. С. Горбачевнинг Сиёсий ҳисобот муҳокамаси якунларига доир нутқи делегатлардагина эмас, кенг жаҳон жамоатчилигида ҳам ёрқин таассурот қолдирди. Таниқли сиёсий арбоблар, йирик агентликларнинг шарҳловчилари Горбачевнинг якунловчи сўзини ғолибнинг нутқи сифатида баҳоламоқдалар.

Биз миллатлараро муносабатларда кўп нарсани кўздан қочирганлигимиз, вақтни бой берганлигимиз, сезганимизда эса — кечикиб ҳаракат қилганлигимиз ҳаммамиз учун сабоқдир, — деб таъкидлади М. С. Горбачев. — Ҳозир ўзимни оқламоқчи эмасман, ҳамма нарсадан ҳам ўзимни оқлашни ёмон кўраман... Энг асосийси — биз хавфни ўз вақтида кўра билмадик, ҳалол тан олинглар! Сиз билан биз ҳаммамиз бу соҳада ҳамма нарса кўнгилдагидек, ҳаммаси ҳал қилинган, деб ҳисобладик ва асосан халқлар дўстлиги учун қадаҳ кўтардик. Миллий сиёсат соҳасидаги ишимиз ана шундай эди.

КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари М. С. Горбачев

Камчиликларни рўй-рост, очиқчасига тан олиш яхши. Аммо гап тан олишдагина эмас, фожиаларнинг олдини олиш, илдизларини қуритиб қирқишда.

Съездда қатнашаётган ўзбекистонлик делегатларнинг кўпчилигига минбарга чиқиш насиб этмади. Ўзком партия Марказий Комитетининг биринчи котиби, жумҳуриятимиз Президенти И. А. Каримовнинг нутқида республикамизнинг асосий муаммолари, марказий идоралар олиб бораётган иқтисодий сиёсатнинг номақбуллиги ўз аксини топди дейиш мумкин. Жуда бой хомашё ресурсларига, ноёб табиат ва иқлим шароитларига эга бўлган Ўзбекистон ўзида етиштирилаётган маҳсулотнинг асосий қисмини хомашё ва ярим тайёр маҳсулот сифатида ташқарига чиқараётганини нима билан изоҳлаш мумкин, — деб таъкидлади нотиқ. — Пахта, пилла, қоракўл тери, мева-сабзавот эвазига жумҳурият нима учун уларнинг ўрнини қоплайдиган маҳсулотни олмаяпти? Мамлакатнинг пахта мустақиллигини таъминлаган жумҳурият «пахта иши», қатағонлар, оммавий қонунсизликлар майдонига айланиб қолдики, бу одамларнинг миллий қадр-қимматини камситмоқда.

Съезднинг мафкуравий иш секцияси мажлисида қатнашган «Шарқ юлдузи» журнали бош муҳаррири Ўткир Ҳошимов кадрлар сиёсатида йўл қўйилган жиддий нуқсонларни очиб ташлади: «Айрим раҳбарларимизнинг ўзи ўтирган амал курсисидан ажралиб қолишдан ваҳимага тушиб, «айниб кетган» Ўзбекистонни «тузатиш» учун «ҳақиқий» кадрлардан кўпроқ юборинглар, деб марказга ялиниб-ёлбордилар. Шундай бўлди: кузбасслик кўмир қазувчи бухоролик чўпонга эшак минишни ўргатди. Узоқ шарқлик балиқ овловчи андижонлик пахтакорга ғўза суғоришдан дарс берди».

СССР халқ депутати, ёзувчи Одил Ёқубов армия муаммоларини кўтариб чиқди, ўзбекистонлик йигитлар ҳарбий қисмларда нобуд бўлаётганини куюниб гапирди. Секция мажлисларида Орол муаммолари, миллатлараро муносабатларга тааллуқли масалалар ҳам кўтарилди.

Съезд ўз ишини якунламоқда. Дастлабки хулоса шуки, Горбачев йўли, соғлом кучлар йўли ғалаба қозонди. Партия ўз ҳаётидаги энг мураккаб имтиҳондан ўтди.

УМИДЛАР ТЎЛА НИГОҲ

Пахтакор учун масъулиятли, ҳал қилувчи дамлар кечмоқда. Бонси — айни шу кунларда кўзда кўтарилдиган хирмон тақдири ҳал бўлмоқда. Ана шу жазирама кунларда ғўза гулга кирди. Демакки, ҳосил нишоналари бўй кўрсатди. Деҳқоннинг фикри-ёди ҳосил нишонларини тўла сақлаб қолиш, унинг нобуд бўлишига йўл қўймасликка қаратилган.

Жумҳуриятимизнинг адоғсиз пахта пайкалларида тер тўкиб меҳнат қилаётган миллионлаб пахтакорларнинг ташвиш ва муаммолари ҳам мўл. Уларнинг энг асосийси — пахтакор меҳнатининг қадрсизлиги, бир неча йиллардан буён катта-кичик минбарлардан қайта-қайта айтилаётган бўлса-да, пахта харид нархи ошмаётганлиги, деҳқон турмушидаги ижтимоий муаммолар чуқурлашиб бораётганлигидир. Бироқ ўзбек деҳқони қўлини ювиб қўлтиғига урганн йўқ, у хайрли кунлар умидида ҳалол меҳнат қилмоқда, элга ризқ-насиба улашмоқда.

Сиз суратда кўриб турган Пахтакор районидаги «Оқбулоқ» тажриба хўжалигининг 1- бригада аъзоси Хурзия Абдураҳимованинг ҳам кўзларида катта умидларнинг жажжи бир бўлаги жо. Чунки Хурзия умрини пахта заҳматига бағишлаган деҳқон оиласида вояга етди. У боболари ва отаси кўрмаган рўшноликни кўришга, пахта халқ дарди эмас, бахт-саодат бўлишига ишонади.

Умарали ҚУШВОҚОВ суратга олган

БЕРМА ЭРКИНГНИ ҚЎЛДАН

МАБОДО ФИРҚА аъзоси бўлмаганимда ҳам яқинда бўлиб ўтган Ўзбекистон коммунистларининг XXII съездида кўтарилган долзарб масалаларни эл қатори қўллаб-қувватлаган бўлардим. «Эл қатори» деганимда бир нарсани назарда тутаяпман. Чунки ҳар бир партия, ташкилот ва гуруҳ шу эл орасидан ўсиб, етишиб чиқади. Зеро, Ўзбекистон коммунистларининг бу галги анжуманида кўтарилган муаммолар ва уларни бартараф қилиш йўллари элимизнинг, халқимизнинг дилидаги гаплардир. Шунинг учун ҳам хоҳ йўлда, хоҳ ишда бўлсин, катта жамоа йиғинларида съезд ҳақида коммунист бўлмаган оддий одамлардан ҳам «Кўрдингизми, эшитдингизми, съездда жуда зўр гаплар бўлди» деган сўзларни эшитдим. Менинг назаримда, жумҳуриятимиз меҳнаткашларида Ўзбекистон Комфирқа Марказқўмига нисбатан йўқолаётган ишонч ўрнини нурли бир умид эгаллаётгандек бўлди.

Хўш, бунинг боиси нимада? Аввало, съездда қилинган Марказий Комитетнинг Сиёсий маърузасида ошкоралик, демократия йўсинида халқнинг дилида мадда бойлаб ўтган дард-аламлар бор ҳолича тўкиб солинди. Қайта қуриш жараёнида рўй бераётган ниҳоятда чигал ва мураккаб масалалар халқ муҳокамасига ташланди. Хўш, бу масалалар замирида нималар ётади? Даставвал ўтмишдан бизга мерос бўлиб қолган — зўраки «туғилиб», «ўсиб», «гуллаб», «яшнаб», «ривожланиб» ва ниҳоят, боши берк кўчада тентираб юрган социалистик (Буни бировлар коммунизм ҳам дейишган) жамиятни тўғри йўлга солиш, иттифоқдошлар қатори жумҳуриятимизнинг ҳақ-ҳуқуқини тиклаш ва унинг иқтисодий мустақиллигини таъминлаш, маънавий-сиёсий вазиятни барқарор қилиш ҳамда топталган шаънимиз ва қадриятларимизни ўз ўрнига қўйишдан иборат деб тушунмоқ керак.

Шу пайтгача бизнинг раҳбарларимиз фақат бир сўзни эшитиб, унга ўн карра амал қилишга ўрганиб келишган эди. Бу «бер!» сўзи. Гоҳида шундай йиллар ҳам бўлганки, юқоридан «бер!» дейишмаса ҳам «фалон қадар берамиз», «имкониятларимизни ҳисоблаб чиқиб, яна бунча берамиз!», «қўшимча мажбуриятдан ташқари яна фалон қадар берамиз!» ва ҳоказо ва ҳоказо. Охир оқибат «Бер-бер!» касалига чалиниб қолдик. Хатто биров «бер» демаса ҳам ўзимиз икки қўллаб обориб берадиган бўлдик. Буни қарангки, «олган олишга», «берган беришга» ўрганиб қолар экан. Натижада оладиган «ўв, биродар, сенам мана буни олиб қўй» демайдиган бўлди. Нуқул «Берсанг-чи!» дейишарди. Бизникилар ҳам қараб туришмади, гоҳида «Бизларга очлардан юборинг!», «Раҳбар кадрлардан беринг!» дея йиғламсираб тиз чўкишди. Улар ҳам беришди. Ўзларида ўтмай қолган «чўлтоқ супурги»ларни... Бу «чўлтоқ» раҳбарлар ҳам келиб халқимизга ҳеч нарса бермади* ва беришмади, аксинча кўпларни хўрлаб, уриб, қамаб оғзидагини «олиб» кетишди. Чунки улар «ол»га, бизникилар «бер»га ўрганиб қолишган эдилар-да. Ачинарлиси шундаки, «ол»га ўрганган ўша раҳбарлар «бер»га одатланган бизнинг раҳбарларнинг йўғига куйишди...

Кечаги съездда яна шу хил раҳбарлар ҳақида танқидий, ошкора гаплар бўлди.

ЯНА БИР МИСОЛ. Бизнинг халқимиз меҳмондўст халқ. Бола-чақасининг нафсига болта уриб бўлса-да, меҳмон ҳурматига дастурхон тузашга одатланган «Қобуснома»га амал қилиб. Дастурхоннинг тўкинлигини кўрган «очофат» меҳмонлар эса, унинг тахмонини кўзлайдиган бўлди. Болалари оч-юпун оила бошлиқларини авахтага ташлаб дўппослашди: «Юз минг сўм топиб бер!». Марказий рўзноналарда ёзишди: бой, босмачи, миллионер, деб. Охир-оқибат шу даражага бориб етдики, меҳмонлар ёнида ҳемириси йўқ қашшоқлардан ҳам «бер!» дея садақа сўрашди.

Тўғри, бизда ҳам порахўр, очофатлар йўқ эмас эди. Улардан тортиб олинган мол-лағлар халққа қолдирилмади. Серзўғум терговчилар «ўғрини қароқчи урди» қабилида иш тутиб, бу маблағлар эвазига ўз юртларидан арзон «овоз» сотиб олишди ва олий ҳокимиятдан курси эгаллашди. Хатто бу корчалонлар «мехроб»га оёқларини кийшик кўтариб юқизиб, «кингчи ол, ишчилар!». 70 йил давомида жумҳуриятимиз халқи на эрк олиб тўла мустақилликка эришди, на меҳнатига яраша тузукроқ ҳақ олди.

Бугунги кунда 70 йилдан кейин эрк-мустақиллик, ҳақ-ҳуқуқ ҳақида жумҳурият коммунистларининг олий минбаридан туриб гапирилди. Яна бу гапни халқимизнинг раҳбарлари айтишди.

Назаримда, жумҳуриятда мустақиллик, меҳнаткашга ҳақ-ҳуқуқни ҳозирги раҳбарият жуда ўрнига қўяяпти. Уларни қўллаб-қувватлаш эса халқ зиммасида туриши лозим. Биз ишчан, ҳалол раҳбарларимизни қўллаб-қувватлаб, авайлаб-асраб уларни рағбатлантиришни ўрганишимиз керак. Гоҳида айрим нотиқлар ҳалиям раҳбарни ялтоқларча ялаб-юлқаш касалидан халос бўла олмаяптилар. Бу ёмон оқибатларга олиб келиши яқин тарихимиздан маълумку? Ҳар қандай ялаб-юлқашда ҳам тупук аралашади. Биз раҳбарларимизни шу хил ҳаром сўлак-тупуклардан асрашимиз керак.

ОИНАИ ЖАҲОН ёнида ўтириб шу фикрлар хаёлимдан кечди. Рўзнома ва телеэкранда айрим нотиқларнинг сўзлари қисқартириб берилгани аниқ. Уларни тўлиқ эшитиш менга насиб этмади. Чунки бу хил анжуман ва сессияларга жумҳуриятдаги ягона ҳажвий журнал — «Муштум»дан бирорта ҳам вакил таклиф этилмади. Эҳтимол, бу ҳам турғунлик йилларидан қолган қусурдир...

Неъмат АМИНОВ, «Муштум» журналининг бош муҳаррири

ЭЗГУ ТИЛАКЛАР

Тошкентда Тюмень вилояти драма театри гастроллари бошланди. Бу ҳақда театр директори Владимир ЗЧИСЛАВОВИЧ мухбиримизга қуйидагиларни гапириб берди:

— Театримиз Сибирнинг энг кекса санъат даргоҳларидан биридир. Ҳозир у 132-мавсумини якунламоқда. Ижодий ишларимиз, режаларимиз аввало умуминсоний мавзулар — яхшилик ва ёмонлик ўртасидаги зиддият, муҳаббат ва нафрат ҳамда инсон руҳий оламини тадқиқ этиш муаммоларига қаратилган. Гастрол репертуаримизда рус ва чет эл классикларининг асарлари. Булгаковдан тортиб Петрушевскаягача бўлган совет драматурглларининг асарлардан намуналар мавжуд. Гастролимизни Булгаковнинг «Уста ва Маргарита» асари билан бошладик. Спектакллариниз Горький номидаги Тошкент давлат академик рус драма театри саҳнасида намойиш этилмоқда. Тошкентлик томошабинлар ҳузурида Красногоровнинг «Хиёнат гули», Маньенинг «Омадли найрангбоз» асарлари премьераси бўлиб ўтади. Биз ижодий сафарга ҳаммаси бўлиб 13 спектакль билан келдик. Томошаларимизга болаларни ҳам таклиф этамиз. Улар учун «Шоҳ Султон ҳақида эртак» (А. Пушкин асари), «Емелин бахти» (Новацкий ва Сеф асари), «Мавҳумлик» (Лифшиц асари) спектакларини кўрсатамиз.

Театримиз кейинги йилларда Москва, Киев, Горький, Фрунзе шаҳарларида ижодий ҳисобот берди. Ўзбекистонга биринчи бор келдик. Тан олиш керакки, ўзбекистонлик томошабинлар даврасига ҳаммамиз ҳам мустаҳкамлаш тилагимиз бор.

СУРАТДА: «Уста ва Маргарита» спектаклидан кўриниш. А. КУКУШКИН суратга олган

МУҲАРРИРГА мактублар

БИР УМР МИННАТДОРМАН

Сўнгги пайтларда касалхонама-касалхона юраверишдан тинкам қуриб, руҳим тушиб кетган эди. Совет Армияси сафида хизмат қилаётганимда ҳарбий врачлар буйрагимда тош борлигини аниқлаб, ўтган йили февраль ойида муддатидан олдин уйга қайтариб юборишганди. Ўз юртимнинг об-ҳавоси ёқдими, аввалига касалим бутунлай ҳуруж қилмай қўйди. Қишлоқ қурилиш комбинатига бетон қуювчи бўлиб ишга кирдим. Бироқ, қишга келиб буйрагим яна безовта қила бошлади. Район шифокорлари вилоят касалхонасига жўнатишди. Вилоят марказига бир неча бор қатнадим. Пировардида, икки ҳафта ётиб даволандим. Оқибат шу бўлдики, биринчидан, бизда замонавий ускуна йўқ, иккинчидан, юрагинг ҳам яхши эмас, малакали дўхтирларга кўрсатиб кел, деб мени Тошкентга жўнатишди.

Жуда хунобим ошди. Ахир, шунча касалим бор экан, нега ҳарбийга жўнатишдан олдин аниқлашмади? Чунки, мени Олтиариқда ҳам, Фарғона шаҳрида ҳам соппа-соғ деб тиббий кўрикдан ўтказишган. Буйракдаги тош эса беш-олти ойда бирдан пайдо бўлиб қолмайди, юрак хасталиги ҳам. Номдор госпиталлари ва таниқли шифокорлари борлигига қарамай, боз устига чекка қишлоқда яшашимни била туриб, ҳарбийда г и л а р уйимга қайтариб юборган экан, ҳеч бўлмаса, ўзимиздагилар дардимга даво топишар, деб ўйлабман.

Тошкентни ҳам топиб келдим. Яширмайман, Абу Али ибн Сино номидаги 1-клиник касалхонанинг уролог врачи Турсунбой Самадов қабулига юрагим безиллаб кирдим. Лекин бир зумда руҳим кўтарилиб, ўзимни дарддан фориғ бўлгандай ҳис этдим. Шифокор мени илиқ кутиб олди, «Хасталигинг енгил, яқинда қишлоғингга отдек бўлиб қайтасан», деб мени касалхонада олиб қолди. А. Ғайбуллаев, Ҳ. Отамуродов, Ф. Низомов сингари шифокорлар ҳам аҳволимни синчиклаб текшириб, кўнглимни кўтаришди. Ниҳоят, доцент Р. М. Рубинов мени операция қилди. Кейин билсам, буйрагимда катта ўлчамдаги учта тош бўлиб, жарроҳдан заргарлик маҳоратини талаб этар экан. Бундан ташқари, юрагимдаги хасталик туфайли наркоз қўллаш хавфли ҳисобланган учун оғриқсизлантириш хизмати врачлари ҳам роса тер тўкишибди. Шифокорларнинг маҳорати туфайли буйракларимдан бирини олиб ташлаш эҳтимоли бартараф этилибди. Шифокор астойдил жон куйдирса, ҳар қандай дардни ҳам даволаса бўлар экан.

Қисқаси, мен дардимга малҳам бўлган шифокорлардан бир умр миннатдорман. Уларга қарата «Қўлларингиз сира дард кўрмасин», дейман. Ҳамма шифокорлар ҳам уларга ўхшашини орзу қиламан.

Маъмуржон ХОЛИҚОВ Олтиариқ

ҚАРДОШЛИК ҚОНУНИГА КЎРА

ҲИСОБ НОМЕРИ 001700816

Қирғизистон жумҳуриятининг Ўш вилоятида юз берган фожиалар ҳамон дилларни ўртамоқда. Жумҳуриятимиз меҳнаткашлари ана шу воқеалар туфайли жабр кўрган кишиларга ҳар тарафлама ёрдам кўрсатмоқдалар. Фарғона водийси шаҳар-қишлоқларидан Ўш вилоятига кийим-кечак, озиқ-овқат маҳсулотлари жўнатилмоқда.

Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси ҳузурида «Ўшга ёрдам» халқ қўмитаси иш бошлади. Унга шоир Муҳаммад Али бошчилик қилаётир. Қўмитага Ўрта Осиё ва Қозоғистон жумҳуриятлари фуқаролари аъзо бўлишлари, жабрдийдаларга яқиндан ёрдам кўрсатишлари мумкин.

Ўрта Осиё ва Қозоғистон мусулмонлари диний бошқармаси ўшлик бирадарларимизга ёрдам тариқасида 20 минг сўм пул ажратдилар. Андижон, Ленинск шаҳарлари, Олтинкўл, Марҳамат, Қўрғонтепа районлари меҳнаткашлари ҳам ҳиммат кўрсатмоқдалар.

Куни кеча Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси ёрдам жамғармасига 1000 сўм ўтказди. Уюшма ва СССР Адабиёт жамғармасининг жумҳурият бўлими жамоалари эса ўзининг бир кунлик иш ҳақларини жабрдийдаларга ёрдам ҳисобига ўтказишга қарор қилдилар.

«Ўшга ёрдам» қўмитаси иш режаларида ўшлик жабрдийдалар фарзандларини турли оромгоҳларга йўллаш, экстрасенсларнинг хайрия муолажа кечаларини, таниқли адиб ва шоирларнинг учрашувларини ташкил этиш каби тадбирлар ҳам бор.

Ўшга ёрдам ҳисоб номери: Андижон вилояти уйжой ижтимоий банки: 001700816.

М. ПИРМАТОВ

АДИБ ВА ЖАМИЯТ

Маматқул ҲАЗРАТҚУЛОВ

ЎРНИМИЗДАН ТУРАЙЛИК

ХАР БИР одамнинг ҳаётида қувончли, эсдан чиқмас кунлар бўлади. Бу бахтдан камина ҳам бебаҳра эмас, албатта. Яқинда менинг, наинки менинг, балки бутун ўзбек халқининг ҳаётида унутилмас воқеа содир бўлди. Бу шу йилнинг 20 июни — Ўзбекистон ССРнинг мустақиллиги ҳақида Декларация қабул қилинган кундир. Бу кунни байрам қилмоғимиз керак. Ушбу тарихий ҳужжатни аввал ойнан жаҳон орқали эшитиб, сўнгра рўзномаларда ўқиб бошим кўкка етди, кўксим ғурур ва ифтихор туйғулари ила лиммолим тўлди. Менга ўхшаганлар оз эмас, уларнинг севинчи ичига сиғмайди.

Декларация эълон қилингандан кейин бир неча кишилар билан суҳбатлашдим, бу ҳужжат хусусида уларнинг фикрини билмоқни истадим, қувончимни баҳам кўрмоқни хоҳладим. Улар ҳам мен каби ҳаяжонланиб, қалби севинчларга тўлиб юрибди, деган хаёлда эдимда. Лекин, афсуски, бу умидларим пучга чиқди. Суҳбатдошларимнинг кўпчилиги Декларация эълон қилинганидан умуман бехабар экан, билганлари эса унинг моҳиятини тушуниб етмаган. Бу ҳолдан жуда хафа бўлдим ва буни суҳбатдошларимдан яширмадим. «Наҳотки шундай муҳим ҳужжат қабул қилинсаю, у радио ва телевизорда ўқилса, матбуотда эълон қилинсаю сизлар бехабар бўлсаларингиз?! Ахир, бу халқ тақдири, келажаги деган гап-ку!» Сал-пал уялганлари «ҳа, ўқиймиз-да, энди чиқипти-ку», дейишди, бошқалари эса «хўп, шу билан нима ўзгаради, гўшт кўпаядими, нарх-наво арзонлашадими, нима бўлади?» дедилар. Балки қайсидир даражада уларни ҳам тушуниш мумкиндир. Ахир не-не қарорлару қонунлар қабул қилинмади, уларда қанчалар эзгу фикрлар айтилмади. Аммо уларнинг аксарияти қоғозда қолиб кетди. Буларни кўриб, ўқиб, эшитиб юрган одамларнинг қарорлару қонунлардан ҳафсаласи пир бўлганиям рост. Лекин бу Декларация биз учун ниҳоятда муҳим, аҳамиятли. Бинобарин, баъзи суҳбатдошларим айтганидай гўшт кўпайиши ҳам, нарх-навонинг арзонлашуви ҳам кўп жиҳатдан ана шу Декларациянинг амалга ошишига боғлиқ. Бу ҳақда Декларациянинг еттинчи бандида ёзиб қўйипти: «Ўзбекистон ССР иттифоқдош республикалар ва бошқа давлатлар билан ўзининг сиёсий, иқтисодий, маданий ва бошқа муносабатларини шартномалар асосида белгилайди ва амалга оширади.» Демак, энди биз етиштирган барча ҳосилимизни, қазиб олиндиган бойликларимизни планга кўра етказиб беравермаймиз. Бир вақтлар Ўзбекистон гимнида шундай сатр бор эди: «Дарёлар бўйида эдик сувга зор». Гимн муаллифи нимани назарда тутгани менга қоронғи, аммо мен уни рамзий маънода тушунардим. Яъни, беш миллион тоннадан ошиқ пахта етиштириб кўрпага солиш учун пахта тополмасдик, оддийгина сурп ҳам йўқ эди, агар бирон киши қазо қилса кафанлик учун сурп ижроқўмнинг рухсати билан олинарди. Пилланинг кони шу ўлка, бироқ атлас анқонинг уруғи эди ва ҳоказо. Юқоридаги сатрни ўқисам ёхуд эшитсам ана шулар хаёлимга келарди.

Аслида мени ташвишга солган, кўнглимни ранжитган нарса бошқа ёқда. Кўпчилик шундай муҳим, зарур ҳужжатнинг моҳиятига тушунмаганидан оғриндим. Ахир унинг ҳар банди замирида олам-олам мазмун мужассам-ку. Тўртинчи бандни ўқийман: «СССР Олий Совети қабул қиладиган қарорлар Ўзбекистон ССР Конституциясига мувофиқ Ўзбекистон ССР Олий Совети томонидан тасдиқланганидан кейингина Ўзбекистон ССР ҳудудида кучга эга бўлади».

Хўш, бу гапларни ҳис қилмаслик, унинг замирида ётган маъноларни уқмаслик ва бундан севинмаслик мумкинми? Йўқ! Илгари Москва кабинетларида қабул қилинган қарорлар бизнинг жумҳуриятимизда иқлим шароитимизга, халқнинг урф-одатига, яшаш тарзига ва бошқа-бошқа жиҳатларга тўғри келадими-йўқми ўйламай-нетмай амалга оширилаверар эди-ку. Бунинг устига ошириб бажаришлар, халқ ибораси билан айтганда, саллани обке деса, каллани обкелишлар-чи. Динга қарши кураш, атеистик тарбияни кучайтириш борасидаги ҳаракатларни эсланг. Дин билан ҳурофотнинг, халқнинг миллий урф одатларининг, анъанавий байрамларининг фарқига бормаслик қанчалар хунук оқибатларга олиб келгани ёдимиздан чиққани йўқ. Ёхуд ичкиликбозликка қарши курашиш учун токзорларнинг баҳридан ўтиш-чи...

Бу каби мисоллар озми. Энди бунақаси кетмайди. Марказда эълон қилинган қарор ва қонунларни пухта ўйлаб кўрамиз, маъқул келса, биз ҳам амал қиламиз, йўқса ўзимиз йўл қидирамиз. Юқорининг қарорини ломмим демай бажаравериб раҳмат эшитдикми ёки биримиз икки бўлдими? Аксинча, пораҳўр деган ном олдик, «ўзбеклар иши», «пахта иши» деган тамғалар ёпиштирилди. Меҳнаткаш халқнинг дастурхони оби-ёвғондан чиқмади, эгни дурустроқ кийим кўрмади. Дам олишлар, курорту санаторияларни-ку айтмасаям бўлади. Бу гаплар ўзбек деҳқонининг тушигаям киргани йўқ. Эҳтимол маълум бир корчалонлар бордир, пораҳўрлик ҳам, бошқа бемаъни ишлар ҳам қилгандир. Бундайлар ҳамма жумҳуриятда, барча миллат ва элатлар инкубатордан чиққандай бир-бирига ўхшаб кетиши хавфи бор эди. Буни ҳам социализм шарофати, деб мақтандик. Ҳолбуки, бу ҳолатнинг оқибати яхшиликка олиб келмасди. Гулзорнинг гўзаллиги ўша гулларнинг турфалиги, ранг-баранглиги билан белгиланади. Ҳар бир гулнинг ўз ранги, ҳиди, кўриниши бўлганидек, ҳар бир халқнинг ҳам ўзига хос, бошқаларга ўхшамаган урф-одатлари, расм-русмлари бор, уларни асраш, авайлаш, ривожлантириш лозим. Ўзининг қадрига етган одам бошқаларни ҳам ҳурмат қилади, қадрига етади. Халқлар ҳам шундай. Қайсики халқ ўзга халқни менсимаса, билингки, ундай халқ ўзини ҳам қадрламайди, ҳурматламайди. Қиёфасини йўқотган халқ фарзандларида ҳурмат, қадр-қиммат деган тушунчалар йўқолади.

ОШКОРАЛИК ва демократия буларнинг олдини олиш имконини берди. Гарчи кеч бўлса-да, одамларнинг кўзи очилмоқда. Бу жараён ҳамма жойда ҳар хил амалга ошаётир. Демократиянинг амалий самараларидан бири бўлган жумҳуриятимиз мустқиллиги ҳақидаги Декларацияни ҳамма бирдай тўла тушуниб етмагани бизда бу ҳолат сустроқ кетаётганини кўрсатади. Мамлакатда бўлаётган яхши ишлардан халқни хабардор этиш, бунга уларни ишонтира олиш зарур. Бунинг учун одамларнинг орасида бўлиш, уларнинг дардига қулоқ солиш керак. Тўғрисини айтганда, жумҳуриятимиз Президенти, бошқа раҳбарлари халқимизнинг турмуш фаровонлигини оширишга, қадриятларимизни тиклашга хизмат қиладиган анчагина хайрли ишларни бошладилар. Бевосита қишлоқ меҳнаткашларининг моддий аҳволига боғлиқ икки тадбирни эслатиб ўтмоқчиман. Бири — одамларга томорқа берилиши, иккинчиси — шахсий хўжаликларнинг моллага колхоз ва совхозлар томонидан ем-хашак етказиб бериш ҳақидаги қарор. Бу ҳужжатлар халқ учун ниҳоятда фойдали. Афсуски, мазкур қарорлар ҳамма жойда ҳам тўла амалга оширилмаяпти. Кўпгина хўжалик раҳбарлари томорқа беришда одамларни овора қилмоқдалар. Пахта ва бошқа экинларга ер камайиб қолади, деган баҳонани рўкач қилишади. Бир дўстим куюниб гапириб қолди. Қишлоққа борувдим, дейди у, раис ошнам билан уришиб қолдим. Одамларга томорқа бермаяпти экан. Нега бермайсан? Ҳукуматнинг қарори бўлса, десам нима дейди-я: «Мен яқинда раис бўлдим, одамларга томорқа бераверсам колхознинг нима ери қолади-ю, мен кимга раислик қиламан?» Унинг бу гапи ғазабимни қўзғади. Агар шундай қилсанг халқнинг қарғишига қоласан, халқ қарғаган одам бу дунё-ю у дунё яхшилик кўрмайди, дедим.

Дўстимнинг ошнасига ўхшаган раислар, афсуски, оз эмас. Улар халқни эмас, ўзини, ўзининг мансабини, раислик лавозимини ўйлайди. Ўша раисга ўхшаган раҳбарлар халқнинг юрагида Президент фармонларига, ҳукумат қарорларига нисбатан ишончсизлик уйғотади, меҳнаткаш халқ билан жумҳурият раҳбарлари ўртасига ғов солади.

МУСТАҚИЛЛИК Декларацияси ўз нонимизга ўзимиз хўжайин бўлиш, жиловни ўз қўлимизга олиш йўлидаги биринчи дадил қадам. Асосий ишлар ана шу Декларация асосида энди амалга оширилади. Уни бажариш ҳаммамизнинг ишимиз. Жумҳуриятимизнинг барча аҳолиси — касби, ёшидан қатъи назар бир ёқадан бош чиқариб бу нурли ҳужжатни амалда жорий этиш учун курашишини истайман. У нарса йўқ, бу нарса йўқ, деб нолийверган билан иш битмайди, бунинг ўрнига ҳар ким ўз соҳаси бўйича ишга киришмоғи, бирбиримизга ёрдам бермоғимиз, халқ депутатларимизнинг саъй-ҳаракатлари, жумҳуриятимиз раҳбарларининг раҳнамолиги туфайли қабул қилинган ушбу Декларацияни амалий самарасини кўрмоқ учун ҳаракат қилмоғимиз зарур. Бунинг учун мудроқ кўзларни очайлик, ланжлик кайфиятига барҳам берайлик, юзимизни муздай тиниқ сувда ювиб сергак тортайлик, тор манфаатларни ёриб чиқио, қадамни каттароқ ташлашга, нигоҳни узоқроққа йўналтиришга ўрганайлик. Арзимган нарсалардан ғиди-биди чиқариб ташкилотма-ташкилот шикоят кўтариб чопишларга чек қўяйлик. Вақтимизни, асабимизни, соғлигимизни авайлайлик, меҳр-оқибатни поймол қилмайлик. Булар панд-насиҳат эмас, кўнгилда туғилган ўйлар. Агар мен ҳам, сиз ҳам, у ҳам «Хўш, шу билан нима ўзгаради, гўшт кўпаядими, нарх-наво арзонлашадими?» деб ўтираверсак, уни ким амалга оширади? Олма пиш, оғзимга туш деб ётаверган одам бир умр олма таъмини билмай ўтиб кетиши мумкин. Олманинг тушиши учун ҳам лоақал ўриндан туриб, дарахтни силкитиш керак.

Келинг, азизлар, ҳаммамиз баравар ўрнимиздан турайлик.

НОРЛАРИ БОРМИ БУ ЭЛНИНГ?

Минг шукурларким, толеимизда қайта қуриш бор экан. Сиёлик ўрнини ёруғлик эгаллади. Дардимизни, армонларимизни айтишга имкон туғилди. Мана-ман деган тўралар, имонсиз, расмиятчи кишилар ҳам отдан тушиб, ерга яқинлашди. Не-не эр йигитлар ўз ҳақ-ҳуқуқини талаб қилиб ўртага туша бошлади. Бугунги суҳбатдошимиз ана шундай йигитлардан бири — Гулистон ёғ-экстракция заводининг директори Ҳотам Саидаҳмедовдир.

— Ҳотам Бобохўжаевич! Сиз саноатчисиз. Лекин мен биринчи саволни мутахассислигингиз, ишингиз юзасидан эмас, адабиёт ҳақида бермоқчи эдим: бадиий китоб ўқишга вақтингиз бўладими!

— Бадиий асар ўқишга вақт ажрата олмаган кишининг кимлигини айтаймi?.. Бундайлар аслида ҳазрати Навоийни, Аҳмад Яссавийни, Машрабни, Эргаш Жуманбулбул ўғлини, борингки, Абдулла Қодирий, Ойбек, Ҳамид Олимжон, Миртемирни билмайдиган, уларни тан олмайдиган, маънавият оламидан бебаҳра, бехабар кишилардир.

— Бир туманбеги ўша сиз эслаган машҳур оқин Жуман бобога: «Сиз эл оралаган, кўпнинг тилига тушган назаркарда шоирсиз. Бу дунёга келиб нималарга етиб, нималарга ета олмадингиз?» деганда, у киши шундай жавоб берган эканлар:

Мен бу улус армонининг поёнига етолмадим,
Осмон қадар хирмонининг поёнига етолмадим,
Бундан кўрган зиёнининг поёнига етолмадим.
Ранги-рўйи сомонининг поёнига етолмадим.
Итнинг бошн олтин тосда, оёқлар устивор бунда,
Қай бир ёқдан келган нонхўр, саёқлар устивор бунда,
Покдомонлар хор-зор, қалби қуроқлар устивор бунда,
Сарсони-саргардонининг поёнига етолмадим.
Тоши бирла тарозуси қай бир эгри қўллардадир.
Хазинасин қулф-калити ўзга нафси ғорлардадир.
Мулк эгаси кимлар ўзи! Билмам улар қайлардадир,
Хайрсиз хайр-эҳсонининг поёнига етолмадим.
Улкан бахшимизнинг ана шу тизмаларини шарҳлаб берсангиз.

— Менимча, шоир биз — ўзбеклар ишлашни биламизу яшашни билмаймиз, айшни нодон суриб, кулфатни доно тортадур, азал-бошдан тоғ-тошларимиз топталиб келади, ўз ҳақимизни ажратиб ола билмаймиз, демоқчи. Янаям аниқроғи:

Тўзим берсин жонингга сабр-бардошли халқим,
Азал-бошдан тупроғи, тоғи талошли халқим,
Уз нонига шерикка қозони ошли халқим,
Узи кулиб турса-да, кўзлари ёшли халқим,

демоқчи.

— Кечирасиз, келтирган байтингиз кимники! Маънили экан.

— Ёдимда йўқ... Муҳими, оқин-шоир мен ҳамма нарсага етдиму, биргина жафокаш халқим оҳ-фарёдининг поёнига етолмадим, демоқчи. Бу термаларнинг мазмуни ҳазрати Навоийнинг:

Менга қилса юз жафо,
Бир қатла фарёд айламам.
Элга қилса бир жафо,
Юз қатла фарёд айларам —

деган байту бандларига ҳамоҳангдай туюлади менга.

— Гўзал! Энди бир нарсага келишиб олайлик. Мен суҳбатимизни маънавият оламига онд саволдан бошлаганимдан ҳайрон бўлманг. Аслида олам ободлиги онладан бошланади. Яна «Қўшнинг тинч — сен тинч», деган гап ҳам бор. Ишхона эса тирикчилигимиз манбаи. Ана шу уч қутби ҳам қутлуғ бўлган, қувончли бўлган кишиларга ҳавас қилса арзийди. Тўғри эмасми!

— Ҳақ гапни айтдингиз. Қозоқия халқида «Пойабзал оёғингни қисиб турса, дунёнинг кенглигидан не фойда?» деган нақл бор. Ҳар кимнинг хонадони тинч-тотув, қутли-баракали, келимли-кетимли, ўсиб-унишли бўлсин. Энди қўни-қўшниларимиз, корхона-коллективимиз, ҳақида нима ҳам дейишим мумкин. Бизда «Ҳамма бир киши учун, бир киши ҳамма учун» деган шиор неча йиллаб маҳкамалар пештоқида осиғлиқ турди ва осиғлигича қолиб кетди. Лекин ўзини оқламади. Мисол учун шаҳардаги бир уйда қирқ саккиз хонадон яшайди. Улар бир-бирларини танимайди, исм-шарифларини, касб-корларини билишмайди. Бу нимадан? Меҳр-оқибатнинг йўқлигидан! Ҳамма ўз ташвиши, ўз иши билан ўралашиб қолганидан! Дунёқарашлари, урф-одатлари турли-турли кишиларнинг аралаш-қуралаш бўлиб яшаётганидан! Қисқаси, кўп қаватли уйлар ўрта осиёликларнинг туриш-турмушларига, урф-одатларига, феълу атворларига зид.

— Узр, гапингизни бўламан. Яна бир шоримиз бўлур эди: «Ҳар кимга меҳнатига яраша, ҳар кимдан қобилиятига яраша». Бу шоирни айтгани ҳозир ўзласан кишн. Ундан кўра «Ким қаерда ишлаб, ким қаерда қишлайди» десалар яхши бўлар эди. Мана, сиз катта бир заводнинг директорисиз. Ишчиларингиз вақтида бориб, вақтида уйга қайтишади. Сиз эса, кези келганда, кечадуз заводдан чиқмайсиз. Хўш, ойлик маошингиз қанча, шунга ярашами!

— Ноқулай савол бердингиз... Майли, айтай: 280 сўм. Мукофотга илингудай бўлсак, 350 сўмга етиб қолади. Иш юзасидан саксон учинчи йили Японияда бўлиб, уларнинг фирмалари, тартиботлари, ишлаш, яшаш шароитлари билан танишдим. Завод(фирма) директори бизнинг пулимиз ҳисобида уч минг сўм (100000 иен), ишчилар ўрта ҳисобда бир ярим минг сўм (50 минг иен) олишар экан. (Ишчи икки ойлик маошига енгил машиналик бўлиши мумкин)...

Директорнинг гапларини эшитиб ўйга толаман: биз неча йиллардан бери шухрат бандаси, қуруқ шиорларнинг қули бўлиб яшадик. Ўзимизни ўзимиз алдаб, алданиб келдик. Энг даҳшатлиси, имондан, эътиқоддан айрилдик. Оқибатда эккан кўчатимиз эгри бўлиб ўсди. Ҳосили ҳам шунга яраша бўлди. Энди эса биз дарахтнинг ўзини тўғрилаш ё бошқа ниҳол ўтказиш ўрнига ўша эгри оғочнинг соясини тўғриламоқчи бўлиб юрибмиз... Айб кимда? Боғдами? Боғбондами? Ҳар бир ишимиз, ҳар бир «тоат-ибодат»имизда сохталикнинг, ҳаром-харишликнинг, тамагирликнинг шарпаси кўринади.

Хаёлимдан кечган фикр-мулоҳазаларни директорга айтиб яна уни саволга тутаман:

— Биргина шу эмас, биз бошқа кўп нарсалардан ҳам айрилдик. Қаранг: бойларни синф сифатида тугатамиз, дедик. Тугатдик, барчани бирдай камбағал қилиб олдик. Мулла зотини эса салла-калласи билан қуритдик, мачитларга ўт қўйдик. Уруш йилларида ҳар тўп мевали дарахтга солиқ солинди. Одамлар гуркираб, гуллаб, боллга тўлиб ётган боғларини таг-томири билан қўпоришга тутиндилар. Эллик саккизинчи йиллари тўрт тулик — — қўй-эчки, қорамол, йилқи, туя қатағон қилиниб, гўшт емаган кишининг умри узоқ бўлармиш, деган шиор ўртага ташланди... Халқ ҳаммасига чидади. Дардини ичига ютди. Кўнди. Кўникди. Хўш, энди айтинг-чи, биз хазина ичида туриб токайгача тамшаниб яшаймиз!

— Ҳамма нарса ўзимизга, шоҳсупада ўтирган раҳбарларимизга боғлиқ. Токи, улар амал-мансабларидан айрилишдан қўрқиб, қалтираб, қақшаб яшар экан, меҳнат аҳлининг косаси ҳеч қачон оқармайди. Ҳозир мен директорлик қилаётган завод етмиш олтинчи йили немис мутахассислари билан ҳамкорликда қурилган. Завод давлатга келтираётган фойданинг поёнига етиш қийин. Ўтган йилнинг ўзида 670 минг сўм соф даромад олдик. Бу йил эса бир миллион сўмни мўлжаллаб турибмиз. Лекин ишлаб чиқараётган кунжарамизнинг тўқсон беш фоизини бошқа жумҳуриятларга жўнатамиз, бошқалар-ку бошқалар, ҳатто заводимиз ишчилари ҳам истаган вақтларида ем олиш имкониятига эга эмаслар. Ўтган йили бир мўйсафид ярим тонна кунжара сўраб келди. Унга бир қадоқ кунжарани лоақал ҳужжат орқали ҳам заводдан чиқара олмаслигимизни айтсам, ҳеч ишонмайди. У десам бу дейди, бу десам у дейди. Қарасам, нафсонияти оғрийдиган. Ноилож норасмий йўл билан юз эллик килограммча кунжара бериб, БХСС ходимларининг қўлига тушиб ҳам қария, ҳам ўзимиз бадном бўлмаслигимиз учун уйигача кузатиб қўйдик.

— Ҳотам Бобохўжаевич! Бир нарсага ҳайронман: биз ҳукумат деймиз, давлат деймиз. Хўш, шу ҳукумат дегани халқ учун хизмат қилиши керакми ёки фуқаро ҳукуматгами! Мана, сиз заводга қарашли уйда яшайсиз. Отадан олтов бўлсанг, Ватанингга ёлғизсан, деганларидай биргина кенжа ўғлингиздан ўзгалари ўз олдига яшаяпти. Мен кўпчилик совхоз директорларини биламан. Уларни хон, қўланкалари майдон. Уларга ановманов одам беткай келолмайди. Бирор моддий етишмовчилиги, кам-кўсти бўлса, кошки. Унг қўл, сўл қўл хизматчилари атрофларида парвона. Сиртдан қараганда, совхознинг бутун ишчилари хўжалик раҳбарлари учун ишлаётгандай. Аслида ҳам шундай. Дарё бошидан пойқа шекилли!

— Биласизми, Голландиядай кичик бир мамлакатда иш қандай ташкил этилган? Фермер қўл остида ишловчилар йиллик даромаднинг ўндан етти қисмини оладилар, қолгани фермерга тегади. Ҳам қозон мой, ҳам чўмич мой.

— Биз ўшалардан ўрнак олсак бўлмайдими!

— Бўлади. Ҳукуматимизнинг ҳозирги сиёсати ҳам шунга — тинка-мадори қуриб бўлган одамларнинг аҳволини яхшилашга қаратилган. Шу кунларга қадар эса бизда кишилар тақдири ҳақида ўйлаш у ёқда турсин, ҳамма ҳаракатларимиз барчани бирдай ҳалокатга олиб боришга қаратилган эди. Мана, бир мисол: Каттақўрғон ёғ заводидан чиққан оқавалар йигирма беш йилдан бери бир чуқурликка оқизилиб келинган. Бу оқавалар тирик жоннинг офати ҳисобланади. 30.000 кубметр ҳажмидаги (газеталарда 3 минг кубметр деб нотўғри талқин қилинди) бу заҳри қотил аввал Қорадарёга, сўнг Зарафшон дарёсига қуйиларди...

— Эҳтимол, Гулистон ёғ-экстракция заводи ҳам бошимиздан, оёғимиздан...

— Нима демоқчи эканлигингизни тушундим. Биринчидан, завод қурилган вақтда унинг атрофида на шифохоналар, на кўплаб аҳоли истиқомат жойи бор эди. Ҳозирга келиб эса завод шаҳарнинг қарийб қоқ ўртасида бўй чўзиб турибди. Кўпчиликнинг бундан норозилиги марказий газета-журналларда ёзилгани ҳаммага маълум. Бироқ эндиликда заводни бу ердан олишдан кўра унинг атрофидаги корхона ҳамда хўжаликларни бошқа ёққа кўчириш ҳам осонга, ҳам арзонга тушади. Бу ҳол бизнинг узоқни кўролмаганимизни, ўзимизча бир иш қилолмай, муте, мўйиқ бўлиб қолганимизни кўрсатиб турибди. Заводдан чиқаётган чиқинди сувнинг таркибида бензин бўлади. Сатҳини бензин қоплаган сув эса ўлик сув ҳисобланади. Бу дегани сувдаги тирик жон омон қолмайди. Шунинг учун ҳам биз мутасадди маҳкамаларнинг эшигини қоқавериб икки миллион сўм миқдорида акча ундирдик. Бу пулга сув тозалаш иншоотлари қурдик. Фалокатнинг олди олинди.

— Бу яхши, хайрли иш. Лекин шу вақтгача заводнинг қуруми кўкни, оқаваси ер-сувни қоплаб келгани гулистонликларга ўн тўрт кунлик ойдай равшан. Завод бир йилда ўрта ҳисобда бир юз эллик минг тонна кунжара, беш минг тонна ёғ, тўқсон минг тонна шелуха ишлаб чиқаради. Кунжарининг тўқсон фоизи Украина, Россия ҳамда Болтиқбўйи республикаларига, ёғ билан шелуханинг ҳам асосий қисми шу жумҳуриятларга жўнатилар экан. Бошқача айтганда, заводнинг савлати бу ердаю, сўли у томонларда. Бу ердагиларга на хўрдаси қолар экан, на бурдаси.

— Бу ҳолларга келаси йилдан бошлаб чек қўйилиши аниқ. Бу ҳақда жумҳурият деҳқонларининг шу йилнинг март ойида бўлиб ўтган қурултойида ҳам жиддий гаплар айтилди.

— Ошкоралик шарофати билан энди ҳеч кимга сир бўлмай қолди. Шу вақтгача пахтамиз ҳам, олтинимиз ҳам, нодир ва ноёб саналмиш қоракўл терилларимиз ҳам, уран сингари тимсолсиз маъданларимиз ҳам, газимиз, маржон қилиб таққулик мармарларимиз ҳам давлат монополияси бўлиб келди. Ҳамма бало шундаки, биз ўта андишали, қаноатли, қўнимли, итоатгўйимиз. Каттаю кичик амалдорларимиз эса кўпинча ўзларини ўйлайдилар, эл-улус ғамини емайдилар. Биз ўз меҳнатимиз маҳсулига ўзимиз эгалик қилиш ҳуқуқидан бенасибмиз. Бу нимадан! «Бу дунёга яшашмас, ишлаш учун келган халқ. Қай бир элнинг кўнглини хушлаш учун келган халқ» эканлигимиздан эмасми! Менинг бу гапларим зорланиш эмас, орланиш! Сиз эллик тўққизинчи йили Тошкент политехника институтининг химия-технология факультетини тугатганингиздан бери шу соҳада ишлайсиз. Уз касбкорнингизни пухта билганингиз учун ҳам катталар олдида бош эгиб, қалтираб-қақшаб турмайсиз. Энди айтинг-чи: сиз битирган шу институтни тугатиб кетган ёшларнинг ҳаммаси ҳам ўз араваларини ўзлари торта оладиларми!

— Қайда дейсиз. Бунинг бир неча — ижтимоий, иқтисодий, ахлоқий, маънавий сабаблари бор. Биз ўқиган вақтлари ҳар бир талаба институтга ўз кучи билан кириб, ўзи ўқир эди. Ҳозир, биласиз, кўпчилик ота-она (айниқса, ёғлиқ жойда ишлайдиган бойвачча)лар арзандаларини ўзлари югуриб-елиб ўқишга киритадилар, елкаларига кўтариб юриб ўқитадилар. Бундан ташқари ўрта мактаб (айниқса, қишлоқ мактаблари)ни тамомлаган ёшларнинг билимлари жуда саёз. Умуман, мен ҳозирги ўрта мактаб программасини ислоҳ қилишнинг вақти-соати етди деб ўйлайман. Мактаб программасига ахлоқ-одобни, ҳалол-ҳаромни, увол-савобни ўргатадиган фанлар киритилишини шарт деб ҳисоблайман.

— Сизнинг эскилик қарқими деб атаб келинган, қатағон қилинган қадимий тузукларимизга муносабатингизни билмоқчи эдим.

— Мен давангидай-давангидай йигитларнинг ўз ота-оналарини тириклай хор қилганларини эшитсам, қўрсам, дақшатга тушаман. Бу ҳоллар бизнинг халқимиз шаън-шавкатига нисбатан ҳақоратдан ўзга нарса эмас.

— Эндиликда энг яхши анъаналаримиз қайта тикланмоқда. Халқимизнинг туғамас-битмас маънавий, моддий бойликлари бирма-бир қайтиб берилмоқда. Жумладан, ўзбек тилига давлат мақоми берилишини ҳамма шодумонлик билан кутиб олди. Сизнинг ишхонангизда бу қонун қандай амалга оширилмоқда!

— Корхонамизда йигирмадан ортиқ миллат ва элат вакиллари ишлашади. Уларнинг деярли тўқсон фоизи туркий халқлар. Тили ҳам, дини ҳам, матлаб-маслаклари, урф-одатлари ҳам деярли бир хил. Давлат тили ҳақидаги қонун қабул қилингандан сўнг айрим рус оғайниларимиз ўзбекчани ўрганишга киришдилар. Лекин яқин-яқин кунларгача мажлисларни рус тилида ўтказардик, ҳужжатларни ҳам шу тилда тўлдирардик. Нуқул русча гапириб, русча ўқиб-ёзиб юраверганимдан ўзимнинг ҳам тилимиздан тониб, ақидаларимиздан айрилиб қолишимга бир баҳя қолган экан. Менга ўхшаб на у ёқлик, на бу ёқлик бўлганлар жуда кўп. Район, шаҳар фирқа қўмиталарида ишлаётган айрим кишиларимиз ўз тилимизда эркин гаплаша олмайдилар.

— Қўйин жаннатдан чиққан, дейдилар. Унинг қийн-қумалоғигача қут ҳисобланади. Ўсимлик — зираворлар нечида эса пахтанинг баҳоси йўқ. Унинг чигитидан ғўзапоясигача ноёб-дан-ноёб, нодирдан-нодир. Сизларнинг ишларингиз эса асосан чигит билан боғлиқ. Шу ҳақда гапирсангиз.

— Хитойда бир гектар ерга бор-йўғи ўн икки килограмм чигит экилади. Яна денг бир йилда икки марта ҳосил олинади. Арпа-буғдой йиғиб олиниши билан ўрнига чигит қадашга киришилади. Бизда эса бир гектар ерга ўрта ҳисобда саксон килограмм чигит ташланади. Қайта бузиб экилса, яна шу гап. Шу туфайли пахта заводлари бизга шартнома бўйича белгиланган чигитни вақтида етказиб беролмайдилар. Қарабсизки, ўрга чоп, қирга чоп бошланиб кетади. Бу нимадан? Хўжасизликдан. Бош-бошдоқликдан. Ишларимиз барқарор бир системага солинмаганлигидан. Раҳбар ва раҳбарчаларнинг кўплигидан. Гапларининг бир-бирига тўғри келмаганлигидан. Шоҳсупада ўтирганларнинг ўз ишларини пухта билмаганликларидан. Ҳар бир корхона, хўжаликка мустақил ишлаш эрки берилмаганидан. Қоласерса, тижоратда мутаносибликнинг йўқлигидан: бир килограмм пахтанинг нархи 80 тийин (сув текин). Бўғдойнинг бир килограмми 9 тийин, картошканики 35 тийин. Бир литр ароқ эса 20 сўм. Бу аҳволда деҳқоннинг қўраси қўйга, ҳамёни пулга тўлармиди? Ҳали ҳам халқимизнинг сабр-тоқатига балли. Жангарироқ халқ бўлганида аллақачон пахта майдонларини тарк этиб, иш ташлаган, камбағал-қашшоқлар сони бунчалик болалаб кетмаган бўлар эди. Жумҳуриятимизда яшаётган бошқа халқлар вакилларининг деярли тўқсон фоизи пахтазорда ишламай, ўзларини унумли, сердаромад соҳаларга ураётгани, бизга нисбатан шоҳона яшаётганликлари шундан.

Алалхусус, завод директори билан суҳбатимиз ҳам ниҳоясига етди. Мен шу аснода корхонанинг катта-кичик кишилари, мутахассислари, раҳбарлари, фидоий жонлари — Озод Алимов, Шералн Ўктамов, Бахтиёр Қаҳҳоров, Эргаш Рашидов, Иброҳим Турсунмуродов, Ҳусан Шукуров, Умаралн Алиев билан неча бор гаплашиб, неча бор суҳбатлар қилдим. Сўнг:

Кўронин ерда қолдирмас норлари борми бу элнинг!
Боғларга калхат қўндирмас сорлари борми бу элнинг!
Майдонда ғолиб чиққулик эрлари борми бу элнинг!
Азобли халқни олдинга чорлари борми бу элнинг!

деган саволга жавоб топгандай бўлдим.

Суҳбатдош Тўра СУЛАЙМОН



В. МОЛГАЧЕВ суратга олган

ЯНГИ РУБРИКА:

РАНГИН ОЛАМ

ТИРИКЛИК БУЛОҒИ

Қулимда 1111 йили ажойиб табиб, халқ табобатининг билимдони, олим Абу Иброҳим Исмоил ибни ал-Ҳусайн ал-Журжоний томонидан ёзилган «Захираи Хоразмшоҳ» — «Хоразмшоҳ хазинаси» номли китоб. Китоб Хоразм султони Қутбиддин Абулфатҳ Арслон Тегин Муҳаммад Хоразмшоҳга бағишланган.

Халқ табобатига оид мукаммал ва нодир маълумотлар ёзиб қолдирилган бу китобни ўқиган ҳар бир киши ёки табиб беихтиёр чуқур хаёлга толмасдан иложи йўқ. Чунки, ҳаёт пайдо бўлибдики, инсоният ўзини турли хасталиклардан асраш учун курашиб, бу борада тўпланган тажрибасини авлоддан-авлодга халқ табобати номи билан мерос қолдириб келган.

Халқ табобати сирлари билан теран ошно табиблар беморларнинг дардини қисқа вақтда унинг танасидан чиққан сийдик, нажас, тер, балғам миқдорининг ранги, ҳажмига қараб, томир уришини ҳисоблаб, бемор вужудидан тарқалаётган кўзга кўринмас нурлар қўмагида аниқлаб келган. Кўп тўсқинчиликларга учраб, қарийб унутилаёзган халқ табобатига жумҳуриятимиз д а экологик танглик юз берган бугунги кунда соғлар ҳам, беморлар ҳам нечоғли муҳтожлиги маълум бўлиб қолди. Чунки ўта мукаммал, замонавий тиббий техника ҳам кишилар қалбидаги севги, нафрат, хурсандчилик каби руҳий ҳолатларнинг миқдорини ўлчаш, ҳисоблашга ожизлик қилади. Мен бунга хориждаги хизматим давомида ҳам, 18 йиллик шифокорлик тажрибам давомида ҳам ишонч ҳосил қилганман.

Менинг болалигим Хоразмда ўтган. Ҳар бир хонадондаги ҳовуз, унинг атрофида шовуллаб турган гужум дарахтлари... Нафас олганингда аллақандай сеҳри билан элитиб қўювчи тоза ҳаво... Хоразмнинг қуруқ ҳавосини етарлича намлаб турган ҳовуздан бугланаётган сув... Ҳовуз чеккаларига атайин экилган доривор ийр ўти... Ҳалигача хотирамда тиқланаверади. Ўшанда Хоразм халқининг барчаси табибга ўхшаб туюларди менга. Кейин билсам, қирғоқ чеккаларидаги ийр сувни бузилишдан асрар экан. Тарих гувоҳлик беришича, Чингизхон аскарлари ўзлари билан доимо кичкина тугунча олиб юрганлар. Унда ийр илдизи бўлиб, йўлда учраган қўлмак сувлар унинг ёрдамида тозаланган. Ийр илдизи ташланган ҳар қандай сув икки соатдан кейин ичиш учун яроқли бўлган. Шунингдек, бу ўтнинг яна бир хусусияти, кимки ундан тайёрланган дорини ичиб юрса, хотираси то умрининг охиригача ўткирлигича сақланган. Ийр билан момоларимиз болаларнинг қорин оғриқларини қандай даволаганликлари ҳозиргидек эсимда.

Шунингдек, момоларимизнинг янги кўзи ёриган аёлни 40 кун чиллада сақлаши каби одатларида ҳам бугун янги-янги маъно кўраман. Парҳез таомлар тановул қилиб, оғир ишлардан, иссиқ-совуқдан озод бўлган аёл вужуди ушбу муддат мобайнида ўзини тиклаб, сурункали хасталикларга чалиниш хавфидан қутуларди. Ёки янги туғилган чақалоқнинг шаравали, яъни тузли сувда чўмилтирилиши кейинчалик боланинг соғлом бўлиб вояга етиши йўлидаги илк тадбирдир. Чунки тузли сувда гўдакнинг терisi «қотади». Ҳар хил микроблардан тозаланади, етилади, шилинмайдиган бўлади. Натижада шўр сувда чўмилтирилган болаларга ҳар хил усулни баъзилар гўё янгидан кашф этгандек бўлиб, ном чиқаришга уринмоқдалар.

Эски ҳаммомларда туғма қобилиятли «ходими»лар, яъни уқаловчилар бўларди. Илмий табобатга яқинда татбиқ қилинган бу усул «мануал терапия» номини олди.

Халқимиз саломатлигини турфа кимёвий муолажаларсиз халқ табобати ёрдамида даволашни ўз олдига мақсад қилиб қўйган жумҳурият «Шарқ» халқ табобати марказимиз яқинда ташкил бўлишига қарамасдан, хайрли ишларни аллақачон бошлаб юборди. Бош оғриғи, юракнинг бетартиб уриши, санчиши, ҳаво етмаслик, уйқусизлик, асаб касалликлари, қон босими баландлар, ошқозон-ич а к ва бошқа қатор касалликлар билан оғриган беморлар бизда яхши шифо топмоқдалар.

Беморларни мукаммал даволашда фақат шифобахш ўтлар, қуюн томирини уқалаш (ходимлар уқалаши) етарли эмас. Табиблларнинг асосий вазифаси касалликнинг олдини олиш ҳамдир. Бунда биринчи навбатда эътиборни тўғри овқатланишни ташкил этишга қаратиш керак. Узумдан кейин қуритилган, яъни сур гўшт ейиш мумкин эмас. Кимки, саримсоқни кўп еса, кўриш қобилияти пасаяди, шабкўр бўлиб қолади. Кимки, апельсин сувини беўлчов ичса, жигарини кучсизлантириб, касалликка чалинади...

Тўғри ухлаш, дам олиш, тўғри кийиниш жуда кўп касалликларнинг олдини олиш омилларидан биридир. Масалан, Хоразмда ўғил 50 ёшга етган отасига пўстин совға қилади. Чунки одамлар 50 ёшларга етганда мизожи совуй бошлайди. Ташқи муҳит қаршилигини енгиш д а, заифлашаётган мизожни ҳимоялашда бу пўстиннинг иссиқлиги қўл келади. У оғир касалликлардан асрайди.

Шунингдек, Хоразмнинг чўғирмаси, миллий бош кийимимиз — дўппининг соғлиқни сақлашдаги аҳамияти жуда катта. Хоразм чўғирмаси юзни қуёш нуридан асраб, эрта ажин тушишидан ҳимоя қилади. Юз тери раки, теридаги майда йирингли касалликлар пайдо бўлишининг олдини олади. Афсуски, биз бугунги билимсизлигимиздан юқоридаги бош кийимларни ҳам «чиқиндилар қутисига» ташладик. Оқибатда бош кийимсиз юрадиган ҳозирги ёшлар орасида бош оғриғи, қулоқда ҳар хил шовқинлар пайдо бўлиши, сочнинг эрта оқариши, сочнинг тўкилиши, хотиранинг пасайиши, турли кўз ва асаб касалликлари, бош айланиши, уйқунинг бузилиши каби кўнгилсиз ҳолатлар кўпайиб, жамиятимиз иқтисодиёти ва соғлигига путур етказа бошлади. Хоразм чўғирмаси эркакларни ҳар хил хасталиклардан асраб келган бўлса, аёлларнинг ҳам ташқи муҳит таъсиридан асрайдиган кийими бўлган. Бу чачвон ва паранжи эди. Чачвон отнинг қилидан тўқилган, атрофлари ҳар хил чиройли ҳошиялар билан безалган ҳимоя вазифасини ўтовчи кийим бўлган. Уни ёпинган аёл ташқи муҳитни жуда яхши кўра олган, лекин атрофдаги одамлар аёлнинг гўзал юзига қанча суқланиб қарагани билан уни кўришдан маҳрум бўлган. Бу ҳимоя воситаси гўзал аёл танасини «ёмон кўзлардан» асраган. Отқили кўзлардан тарқалаётган турли электромагнит нурларни, қуёш нурларини, тўсиб, аёлни ташқи муҳитнинг зарарли таъсиридан муҳофаза қилган. Натижада она кўкрагидан чиқадиган сутни соф равишда гўдагига эмизган. Ёмон кўзлар назари сут орқали гўдак танасига ўта олмайди.

Энди бўлса, бизнинг замонамиздаги аёллар, эски давр аёлларидан фақат паранжини ташлаганларига кўра фарқ қилиб қолмасдан, уй бекалигидан озод бўлиб янги ҳаётга қадам қўйдилар: давлат ва корхона, бепоён пахта далалари, ферма ишлари, бозор, савдо, кундалик узоқ навбатда туришлар, эрнинг кўнглини овлаш, бола тарбияси, тўй-маъракага бориш каби энг оғир, машаққатли, масъулиятли ишлар аёллар бўйнига бўйинча каби илиб қўйилади. Шунча оғир ва машаққатли меҳнатлар эвазига аёлларнинг кўзлари қуруқ шиорлар билан чалғиди. Юқоридаги хатоларимиз оналар ва болалар орасида касаллик, ногиронлик кундан-кунга ошиб боришига олиб келди. Бугун табобат марказимизга тиним билмай оқиб келаётган азиз опа-сингилларимизни кўрар эканман, «Нима қилиб бўлса ҳам уларни асрайлик», — деб баралла ҳайқиргим келади.

Отам оддий колхозчи бўлсада, бизларга тўғри ухлаш, тўғри ётиш қоидаларини ўргатарди. Бу сўзларнинг маъносини илмий жиҳатдан билмаса-да, амалда жуда аниқ билардилар. Менингча, ҳамма мусулмон қариялари шу йўсинда ёш авлодни тарбияласалар керак. Отам доимо айтардиларки: «Кимки қуёш чиқишидан олдин турса, худойим у кишига ризқ беради. Агар кимки қуёшдан кейин турса, худойим уни бандам демаган», деб бизларни қуёш чиқишидан аввал уйқудан уйғотар эдилар.

Отам қанчалик ишга шошилмасин, ўзининг одатдаги 5 маҳал намоз ўқиш тартибини бузмасдилар. Отам айтган гапларга ҳозирги замонавий илмий китоблар, олимлар орасидан, қўлёзмалардан, физик ҳодисалардан шифокорлик ҳаётимда жавоб излаб келмоқдаман. Отам берган маслаҳатларга, ҳозирги замонавий китоблардан топган жавобларим тубандагича:

Ер шари доимо ўз ўқи атрофида айланиб туради. Ер шарининг Жанубий қутби мусбат, Шимолий қутби бўлса манфий ишорага эга. Ер шарининг ўзи бўлса манфий ишорали, одам боши баландлигидаги ҳаво мусбат зарядга эгадир. Табиатда Шарқ томон мусбат, Ғарб тараф манфий зарядга эга. Шундай қилиб, табиатдаги ўзгармас қонунларни, зарядларнинг жойланиши ва йўналишини билган ҳолда одамнинг танасидаги зарядларнинг табиатдаги зарядлар билан ўзаро боғлиқлигини билишимиз керак.

Одамнинг танасидаги зарядларнинг бўлиниши тубандагича: боши мусбат, оёғи манфий, тананинг ўнг тарафи мусбат, чап тарафи манфий, олд тарафимиз мусбат, орқа тарафимиз манфий. Бутун табиатдаги жонли ва жонсиз мавжудотлар табиат қонунларига асосланиб яшашлари шарт. Кимки бу табиат қонунини бузса, табиатнинг ўзи қонун бузувчиларни бир шаклдан бошқа шаклга ўтказади. Агарда табиатда шу қонунларни билмасдан яшаган одамлар бўлса, улар ҳам қисқа вақт ичида материянинг бир туридан иккинчи турига ўтказилади. Бошқача қилиб айтганда, бу хил одамлар ҳар хил касалликларга эрта мубтало бўлиб, бевақт оламдан ўтадилар. Шунинг учун овқатланганда, кийинганда, юрганда, ухлаганда табиат қонунларини бузмаслигимиз керак. Акс ҳолда, табиат бизнинг соғлигимизни «бузади».

Пайғамбаримиз Муҳаммад Алайҳ-ис-салом, машҳур табиб Ибн Сино туш пайтида озгина ухлаб олганлар. Умуман, ухлаш тартибини ҳайвонлар ва қушлардан ўрганмоқ керак. Улар қоронғи тушиши билан ухлашади, тонг ёришиши билан уйқудан туришади. Қуёш ер атрофидаги баландлигига қараб, турли вақтда ерга ва ерда яшовчи жониворларга, одамларга турли хил таъсир қилади. Қуёшдан келаётган электромагнит нурлар таъсирида баъзи касалликлар тузалади, баъзилари кучаяди, инсонларнинг руҳияти, ўйлаш ва иш қобилияти ҳам шу қуёшнинг ҳолатига боғлиқ ҳолда ўзгариб туради. Кимки тонг ёришиши билан уйқудан турса, унга қуёшнинг таъсири жуда сезиларсиз бўлади. Шу сабабли инсонлар мияси, сезги аъзолари ва бутун танаси сокин ва хатосиз ишлайди. Қуёш чиққан вақтидан бошлаб, қуёшдан келаётган нурлар, миянинг ўйлаш қобилиятига халақит беради. Натижада иш сифати ва унумдорлиги пасайиб ота-боболар айтгандек, «Қуёш чиққандан кейин уйқудан турган одамлар худо берган ризқдан маҳрум бўлади».

Кечқурун кун ботиш арафасида ухлаш мумкин эмас. Кимки кечқурун сурункали ухласа, мияда шилимшиқ модда кўп тўплана бошлайди, юзлари қўпол шаклга киради. Ҳар хил ҳуснбузарлар пайдо бўлади. Бу одамларнинг хотираси тезда пасайиб кетади. Ота-боболаримиз бу ҳодисаларни «Кимки кечқурун ухласа, худойим уни тириклар қаторига қўшмайди», — деб тушунтирадилар. Шунингдек, кузатишлар кўрсатишича, қайси жамият кишилари ўз вақтида таҳорат қилса, 5 маротаба намоз ўқиса, бу жамиятда яшовчилар соғлом бўлиб шифокор ёрдамига муҳтожликни камроқ сезадилар. Чунки масаланинг фақатгина диний нуқтаи назари бўлмай, балки инсон танасининг муттасил покланиб туриши турли касалликларга чалинмасликнинг энг яхши кўринишидир.

Аждодларимизнинг ўз фарзандларини муносиб хонадон билан боғлашга интилишларида ҳам ажиб бир маъно кўраман. Чунки бир-бирига мос икки гулдан жамият учун соғлом насл қолдирилган. Дуч келган кимсалар билан ўз тақдирини боғлашга бўлган уринишлар натижаси ўлароқ, жумҳуриятимизда бахтсиз «мевалар» кўпайиб кетди.

Фикримизнинг хулосаси сифатида шуни айтмоқчиманки, халқ табобати мисоли тириклик булоғи. Унинг ҳар бир қултуми жонбахш ва муқаддасдир. Бу хазинани ўз бағрига яширган ўнлаб донo китоблар: — «Фирдавс ул-ҳикмат» — «Доноликнинг жаннат боғи», «Алмия фи-синоат ут-тиббия» — «Табиблик санъатининг юз бўлими» каби нодир жавоҳирлар таржима қилинмай халқ нигоҳидан узоқда ётибди.

Тириклик булоғининг кўзларини босган тошларни олиб ташлаш вақти келди. Уни очиш учун эса қатъий ҳаракат биз томонимиздан — халқ табобати вакиллари томонидан бўлиши керак.

Мадёр САЛАЕВ

ДАВЛАТ ТИЛИ ҲАҚИДАГИ ҚОНУН ҚАНДАЙ БАЖАРИЛМОҚДА?



М. ҲАКИМОВ суратга олган

ИНСОН ДОИМ ЭЪТИБОРДА БЎЛСА

Ўтган йили давлатга пилла топшириш бўйича «Ленинград» совхози миқёсида энг юқори натижага эришганим учун хўжалик маъмурияти ва касаба союз ташкилоти мени енгил автомашина билан мукофотлади. Қўлимга 17 июлда қабул қилинган 20-сонли қарорни ҳам тутқазишди. Аммо автомашинани олиш учун қўлимдаги гўдагимни кўтарганимча бормаган жойим, арз қилмаган ташкилотим қолмади. Қаерга арз қилмай, албатта рад жавобини оламан. Ҳафсалам пир бўлди. Сизлардан ёрдам сўраб хат ёзяпман. Наҳотки, сохта қарор қабул қилиб мени лақиллатишган бўлса?

С. ИСРОИЛОВА

Риштон

Ленин номидаги колхознинг Мулкиаёз қишлоғи аҳолисини ичимлик сув билан таъминлаш борасида 1968 йилдан буён қатор обрўли газеталарда мақолалар босилди. Район раҳбарларининг чиройли жаваблари ҳам эълон қилинди. Бу орада район ижроқўми раиси уч марта алмашди, бироқ кунимиз ҳалигача ота-боболаримиздан мерос — жўлбола ҳовузларга қолмоқда. Колхозимиз раиси бу масалада бирор ташаббус кўрсатаётгани йўқ, аксинча, сув билан таъминлашнинг тайёр лойиҳасига ҳам ишончсизлик билдирмоқда. Биз қачонгача ибтидоий шароитда яшаймиз?

Ю. АТОЕВ ва бошқалар,
жами 26 имзо.

Самарқанд ноҳияси

РУҲИЙ ТАЯНЧЛАР

ТАРИХ ВА ТАҚДИР

Асрий тарихимиз узвийлигини ҳар қадамда ҳис этиб яшашимиз керак. Аммо биз кўп йилларки мана шу узвийликни унутиб юрдик.

Шунинг учун ҳам тарихий таянчларимизга ҳар хил бўёқларни чаплайвермайлик, улар ўз тадрижий йўлида кўп воқеаларни кўриб, тарихнинг тозаланиш чиғиригидан ўтиб бўлган. Янги бўёқлар ҳар доим ҳам янгича жило беравермайди. Фақат йиллар чангини артиш кифоя, уларнинг ўз бўёқлари жилваси етарли.

Умуман олганда, руҳий таянчларимиз кўп йиллар оёқ ости бўлди, хоҳлаган киши улар тўғрисида хоҳлаган фикрини айтиб юрди. Агар бирон киши юрак ёриб руҳий таянчларимизни ҳимоя қилса, бундай кишилар эскилик ҳимоячисига чиқариб қўйилар эди...

Ёмонни ёмон деб айтиб қўйиш ҳам керак экан, акс ҳолда андишанинг отини қўрқоққа чиқариб юборишмоқда. Ҳали ҳам руҳимиздан ўттизинчи йилларнинг сояси кетган эмас, ҳали ҳам руҳимизда қўрқоқлик, синиқлик, дунёга торқараш унсурлари кўп. Қандай замонларда яшадик-а, жанозаларга боролмай қолган эдик. Ахир жаноза инсон руҳий таянчларининг асосларидан бири, меҳр, муҳаббат, оқибат ва бошқа шунга ўхшаш руҳий устунлардан бири эмасми? Мен дўст, қариндошларнинг жанозасига бормасам, улар менинг дардимга ҳамдард бўлишмаса, эҳ-ҳа, замона охир бўлишига ҳам оз қолган экан-да...

Искандар Зулқарнайни босқинчи деймиз, аммо унга сарой ва шаҳарларни, қалъаларни жангсиз очиб берганларни ҳаммамиз ҳам биламизми? Искандарнинг оропийлари ким эди, уларга нафратимиз тирикми? Сотқинларга ва сотқинликларга ҳам нафратсиз қарайверайликми?

Бундай дейишдан кўзда тутган мақсадим тарихни тугал билишимиз зарурлигини қайд этишдир. Биз ўтмишимизнинг хирароқ, ёвлар ёпиб қўйган саҳифаларини, кечагина ўтган Фурқатнинг замондошларини, Фитратнинг атрофидагиларни ҳам яхши билмаймиз. Шулар билан бирга яқиндагина бизни минг йиллик тарихимиздан жудо қилмоқчи бўлганларни ҳам, имломизни тортиб олганларни, бу ишда уларга фаол кўмакчилик қилганларни ҳам дурустроқ билмаймиз.

Албатта, биз бугунги кундаги руҳий таянчларимизни ҳам унутмаслигимиз керак. Халқимиз орасида зиёбахш оддий инсонлар ниҳоятда кўп. Улар бизга ўзлигимизни танитадиган, маҳаллакўйга, болаларимизга тарбия берадиган, фарзандларимизга фалончидай бўлиб юргин дейдиган оддий инсонлар, яъни атрофимиздаги руҳий таянчларимиздир.

Шу ўринда кўп ёшларга маънавий таянч бўлган бир инсонни тилга олмоқчиман. Ғаллаорол ва унинг атроф қишлоқларида бу кишини кўп одамлар яхши билишар эди. Унинг одоби, лутфи, суҳбати, меҳри ва билим зиёси бошқаларни ўзига ром қилар эди. У нуроний зот ҳамма боболаримизнинг рамзий тимсоли эди. Оппоқ салла, оппоқ соқол, ҳамма вақт елкасида тоза яктак. Уни одамлар Турон тарихини, жумҳурият тарихини мукаммал билиши, вилоят, ноҳия, даҳа, қишлоқ тарихини ва атрофдаги инсонларни пухта билиши, шу билим асосида ҳаёт кечириши учун севар эдилар. Мен биринчи бор Бобо Тоҳир шеърларини, Аламкаш ғазалларини, ҳатто Махабхарата ҳикматларини шу инсондан эшитганман. У зот биз қишлоқ болалари учун тирик кутубхона эди. Маржонбулоқ тоғ тизмаси атрофида асримиз бошидан буён ўтган шоир ва зиёлиларни мукаммал билар, уларнинг шеърларидан намуна айтиб ўтирар эди.

Мен тилга олган бу кишининг исми мулла Мамаризо, асли Муҳаммадризо бўлса керак. Ўйлайманки, Ўзбекистоннинг ҳамма жойларида ҳам ўз мулла Мамаризоларини топса бўлади. У киши қишлоғимизга келганда ҳамма у одам тушган уйга келар эди. Навбатма-навбат ҳамма у кишини уйига таклиф қилар ва шу билан файзли суҳбатларидан баҳраманд бўлар эди.

Эсимда бор, етмишинчи йиллар эди, бир ўтиришда мулла Мамаризо бобо тўсатдан Шарқдан гап очиб: «Бу Эрон тинчланиб кетармикан», деб қолди. Аввалига ҳайрон бўлдим, мажлис аҳли жим мендан жавоб кутар эди. Бу ерда ўтирганларнинг ҳаммаси ҳам рўзномаларни ўқиб турмайди, аммо мунтазам ўқиб борувчилар ҳам йўқ эмас эди. Ҳар ҳолда саволнинг қалтислигини англадим. Билмадим, ҳозирча Шарқда ниҳоятда қаттиқ қуролланган ва қуролланаётган давлатлардан бири бўлиб қолаяпти, деб жавоб қилдим. Шундан бир неча вақт кейин Эрон — Ироқ жанглари бошланиб кетди.

Жавобим қониқтирди шекилли, мулла Мамаризо бобо суҳбатни дарҳол бошқа томонга буриб юборди. Тушундимки, бу саволга мен билан якка ҳолда албатта қайтади. Шундай ҳам бўлди. Кейинчалик билсам, жавоб қониқтирган экан. Суҳбатни бошқа томонга бургани, бу воқеалар тўғрисида одамлар тушунар-тушунмас ҳар хил фикрларни тарқатишидан ўзини олиб қочган экан. Мана сизга суҳбатни бошқариш санъати. Бу ҳам менга бир руҳий таянч бўлган.

Қишлоқларимиздаги шундай кишиларни мактабларга таклиф қилиб болалар билан учрашувлар ўтказган ўқитувчиларимизни эслай олмайман. Турғунлик даврида бундай ажойиб инсонларни баъзан мактабларга таклиф қилсак ҳам, баъзи «байналмилалчилар»имиздан, маломатга қолардик. Биламизки, ҳали ҳам халқимиз руҳидан 30-йиллар шарпаси тўлиқ кетган эмас.

Одатда бизлар инглиз бошқаларни ўзига ром қилган, ўзига ром қилаётганлигини ўйлаймиз, аммо Самарқандга ўтишда тўхтаб ўтган ва «Бобурнома»да тилга олинган Кўкгумбаздаги (Жиззах вилояти) масжидни қай биримиз биламиз. Ҳатто унинг ўрнини ҳам излаб топишга уриниб кўрганимиз йўқ. Шундай тарихий обидалардан бири бобокалонимиз мирзо Улуғбек номи билан боғлиқ. У Жиззахдан Самарқандга қараб чиқишда ўнг қўл томондаги қояда жойлашган. Бу жойни Амир Темур дарвозаси деб атаймиз. Шу қояда битилган лавҳада мана бу тарих битилган: «Оллоҳ ёрдами билан ҳазрати улуғ султон, халқлар ва хонлар таянчи, Тангрининг ердаги сояси, суннат ва фарз ҳомийси Улуғбек Кўрагоний, Оллоҳ унинг умрини ва салтанатини узун қилсин, Жети ва Мўғуллар юртига юриш қилди ва у юртда (ҳокимлик) (Шу сўзни ўқиш қийин бўлгани учун матн маъносига қараб тахминий таржима қилинди — **М. И.**) ўрнатди. 828 ҳижрий қамарий йилда.

Бу тарихий тош лавҳада бобомиз Улуғбек Кўрагонийнинг дашти Жети ва Мўғулистон сафаридан қайтган вақти қайд қилинган. Обида нафақат тарихий ҳужжат, шу билан бирга, ўша даврга оид тарихий ёзма манба ҳамдир. Бу обиданинг эсдан чиқиши, унинг олдига одамларнинг кам боришига бизнинг ўзга имлога ўтишимиз ҳам сабаб бўлган. Бордию бирон ўқитувчи ўша жойдаги лавҳаларни олиб борди ҳам, ...нинг ёки юнонларнинг қадимий шаҳарларини яхши биламизу, ўз уйимизни, бобомерос ватанимизни, Ўзбекистонимизни, Туронимизни билмаймиз. Эслаб кўрайлик, қайси бир мактаб ўқитувчиси ўз ўқувчиларини Варахшага олиб борган, қачон жазирама иссиқда йўлдаги сардобадан муздай сув ичирган? Хатирчи, Нарпай районларидаги эски обидаларни мактаб ўқувчилари билишадими? Бошқа жойлардагиларинчи?

Айтайлик, Пайариқдаги Исмоил Бухорий обидаси, Бобур мирзо Андижондан ...лик. Бироқ ўзи у лавҳада нима ёзилганини қий олмаса-чи? Шунга арамасдан мен келгусида бу обиданинг қадамжо бўлиб қолишига ишонаман.

Ўйлайманки, б борада тарихчиларимиз ўз ўзларини айтишади. Улуғ ёзувнинг ёнида я бир ёзув бор. Насх ҳида битилган бу ёзув XI асрда бўлиб ўтган Абдуллахон жангидан хабар беди. Бу жойда Абдуллахонинг 30 минг аскари Дарвеҳон ва Бобохоннинг 50 м аскари билан жанг қил ...ҳада шу воқеа ман ...қайд қилинган:

«Дашт кезувчи йўлдан, қуруқлик в манзилгоҳлардан ўт... га маълум бўсинки, ...йилда халифатмакон, ...нинг сояси улуғ хоқ ...дуллахон ибн Искан ...нинг 30 минг нафар ...вар лашкари билан Д ...шхон Бобохон ибн Б ...оқхоннинг жамики ака-укаларга қарашли бўлган 50 султон ва 400 минг кишилик Туркистон ва Тошкент ва Фарғона ва Дашти Қипчоқдан келган лашкарлари ўртасида шундай бир жанг бўлдиким, сохибқироннинг лашкари ...либ чиқди ва зикр этил... султонларни мағлуб этди.

Маълум бўлсинким, лашкарнинг ончасини қатл этдиким, асир олинган ва жангда ўлдирилган касабалардан Дизақда тонггача сув ўрнига қон оқди».

Бу тарихий воқеа даҳшатли кечганини лавҳа охиридаги сатрлар, яъни Дизақ—ҳозирги Сан... зор дарёсидан қон оққанидан ҳам билиш мумкин. Бу ...рих дарслиги варақлар... нафақат ҳақиқат, ҳатт... томчилаб турибди. Ла... маларни хабар қилас... биз учун тарих. Бу... ўтмишимиз, уни бил... керак.

Ҳали ён-атрофимиз... ларга ўхшаш муҳоя... линиши керак бўлган... ликларимиз кўп. В... соннинг ўз уйи... бошланганида... хини бил... даги рух... ниш ва... ши...



Улуғбек ёдномаси

Абдуллахон ёдномаси

ДАРСЛИКСИЗ ДАРСЛАР

МУЗИКА САБОҒИ МУАММОЛАРИ ҲАҚИДА

...ЛАҲ ИНСОН ҳаёти ...нлан умрга ҳамоҳанг. ...арни гўзаллик ва на... оламига етаклайди. ...қувонч ва илҳом этади. Атоқли компо... Д. Кабалевский шун... б ёзган эди: «Агар ...мизда тўсатдан санъат ...лса, унда ҳаёт ҳаддан ...кари қашшоқлашиб қола... Гўё ерга зулмат чўкган... ...ъюслик ва дилхунлик ...танар эди».

...а илк мусиқа сабоғини ...сидан, ички бир ҳис... ...ўтаринки руҳ билан ...тилган алла орқали ...Мурғак боланинг ...оламини мусиқанинг ...ни кучи ўзига бўйсун... ...ди. Алла ўзбек хона... ...донида асрлар бўйи куйлаб келинган. Буюк ҳаким Ибн Сино аллани боланинг руҳий такомилида қудратли тарбия қуроли ҳисобларди. Алла ҳажм жиҳатидан кичик, мазмунан содда ва равон куйланадиган шеърий шаклда бўлиб, бола дилини қи... ...ган, эркаловчи оҳангга ...та.

Тарбия асосан уч манбага, яъни оила, мактаб ва жамоатчиликка асосланади. Мусиқа тарбияси ҳам шундай амалга оширилади. Бунда, айниқса, онанинг роли ўзгача. Сир эмаски, онлада уй юмушлари, асосан, аёллар зиммасида. Бўш вақт топилди дегунча, илгаларни қўй... ...ишлар тўпланишган, турли ...авзуларда суҳбатлар, шеърхонлик, ўйин-кулги, айтишувлар бошланган, доира ва ...ар «тилга кирган», те... ...аллалар, қўшиқ ва куйлар ижро этилган. Шунингдек, қиз-жувонлар, оналар, бувилар ранг-баранг кашта тикиш жараёнида қўшиқлар куйлаганлар. Бу анъана авлоддан-авлодга ...тиб келган. Шундан бўлса керак, ҳозир кексайган бу...ларимиз ёшларга қараганда алланинг кўплаб турларини моҳирона ижро этишади. ...ъсан, ёш оналарни алла айтишни билмасликда айб...ламиз. Тўғриси, бу адолатдан эмас. Чунки бугунги кунда қишлоқ хўжалигида, саноатда банд бўлганларнинг ўқувчилик қисми аёллар. Ай...им саноат корхоналарида аёллар иккинчи, баъзан тун ...и сменаларда ишлайдилар. ...хир, куйлаш учун ҳам шароит яратиш лозим.

Бизнингча «Саодат» журналида жумҳуриятимизнинг ...ари вилоятларида куйлаб келинадиган аллаларни босиб бориш мақсадга мувофиқдир. Агар нотеси билан бўлса, нур устига нур. Алла матнларини, шунингдек, болалар боғчаси учун чиқарилган адабиётларга, мактаб дарслигига киритиш ҳам фойдадан холи бўлмайди. Ўзбекистон телевиденеси «Оналар мактаби», қизларнинг «Иқбол» кўрсатувлари алла айтишни ўрганиш борасида яхши ишларни амалга ошириши мумкин. А. Фадеев таъкидлаганидай, «Халқ характери ҳамма нарсадан кўра ўшиқ ва рақсда ёрқинроқ намоён бўлади». Шундай экан, «жумҳуриятимиз вилоятларида аллани қаҳ-қаҳ куйлашади?» мавзуида алоҳида адабий мусиқали кўрсатув тайёрласа ҳам арзийди.

Жумҳуриятимиздаги кўплаб боллар боғчаларида барча машғулотлар қатори мусиқа машғулоти ҳам олиб борилмоқда. Ўз мутахассислиги...та эгаллаган, та...ланувчан, тадбирлиқ ўқитувчилари ...мина. Аммо кўпчилик боғчалари мусиқачисига эга эмас. ...ҳам боғча болалари ...гияси, мусиқа метод...ан бутунлай бехабар ...сислардир. Яъни, ...рор чолғу асбоби иж...ини тўғаракда мусиқадан ўрганган кишилардир. Улар фақат боғча тарбиячиси машғулот планида кўрсатилган музикани чалиб бе...ишлари мумкин, холос. Бундай машғулотдан бирор ижобий натижа кутиб бўлмайди.

Масала атрофлича таҳлил ...тиладиган бўлса, қуйидаги ...бий ҳолатлар кўзга таш...нади. Биринчидан, боғ... программасидаги мусиқа ...рбияси бўлимини қайта ...риб чиқиш лозим. Бу жа...ёнда программа учун ба...ий қимматга эга, болалар...инг ёшига монанд, миллий характердаги қўшиқ ва мусиқа асарларини танлаб ...ниш лозим. Мусиқамиз ри...жига яхши улуш қўшиб ...лаётган М. Ашрафий но...ги Тошкент Давлат кон...ерияси профессори ...Акбаров биринчилар...ҳа 1956 йили «Кич...ин мусиқаси» тўпла...знинг Боғча тарбия...шимин бошқа қўл...тодик тавсия...дор бу адабиётлар, ...деярли нашр ...Нотали адабиёт ...кам миқдорда чоп ...77 йили Ғафур ...ёнаб бер» бос...ни эса ...ахчов, — кечириб бўлмайдиган ҳолатдир. Мусиқа таълимига мутасадди — Ўзбекистон ССР Халқ таълими нозирлиги бу масала билан жиддий шуғулланадиган вақт етгандир. Қўлланма тайёрловчи муаллифлар, ўз ишига фидойи кишилар бўлиши лозим. Қўлланмани чиқаришда нашрга рухсат этувчи ўқув методика кенгаши ғоят талабчанлик кўрсатиши, китобга қўшиқлари болалар томонидан севиб айтиладиган ва тингланадиган, талантли композиторлар асарлари, яхши қўшиқлар киритилиши керак. Кўпчилик шаҳар, район китоб магазинлари мусиқа бўлимида болалар боғчаси учун чиқарилган мусиқа адабиётлари учраб қолади, аммо улар, асосан, мамлакатимизнинг марказий шаҳарларида нашр қилинганлиги сабабли маҳаллий шароитга мос келмайди.

Жумҳуриятимизда болалар боғчаси учун мусиқа ўқитувчилари тайёрлайдиган махсус иккита педагогика билим юрти фаолият кўрсатиб келмоқда. Улар — Ю. Ражабий номидаги Тошкент педагогика билим юрти ва Андижон мусиқа-педагогика билим юртидир. Кўпчилик бошқа билим юртларида ҳам мусиқа тарбиячилари тайёрлайдиган бўлимлар ташкил этилган эди. Соҳага лоқайдлик туфайли улар турли баҳоналар билан тугатиб юборилди. Ана шу бўлимлар фаолият кўрсатиб турганида вилоятлардаги болалар боғчаларида мусиқа маълумотига эга мутахассисларга бунчалик эҳтиёж сезилмаган бўларди, педагогика билим юртларидаги илгари фаолият кўрсатган бўлимларни қайта очиш керак бўлмоқда.

Сир эмаски, битта оддий боғча тарбиячиси тайёрлашга қараганда мусиқа тарбиячиси тайёрлаш учун 2—3 марта кўп маблағ талаб қилинади. Жумҳуриятимиздаги педагогика билим юртларида ҳозир ўқув планига кўра талабаларга бирон-бир чолғу асбобини факультатив тарзда ўргатиш ҳам кўзда тутилмаган. Бу ҳолга барҳам бериш, имкони бор педагогика билим юртларида якка тартибдаги мусиқа дарслари ўтишни йўлга қўйиш муаммони тезроқ ҳал этишга ёрдам беради.

Мактаблардаги мусиқа дарслари ўз олдига ўқувчиларни хонанда ва созанда қилиб етиштириш каби вазифани қўймайди. Болаларнинг мусиқавий қобилиятларини ўстириш, ёши ва овозига мос қўшиқларни кўпчилик бўлиб куйлашга, мусиқа асарларини бадиий идрок этиш, ундан эстетик завқ ола билишга ўргатади, мусиқа ҳақида умумий билим беради. Ҳар бир инсон санъатни севувчи ва қадрловчи киши бўлиб етишиши лозим. Бироқ, бу ҳам осон иш эмас. Шунинг учун, умумтаълим мактаби мусиқа ўқитувчисига ҳозир катта талаблар қўйилмоқда. У аввало камида иккита чолғу асбобини чала билиши шарт. Шунингдек, ўқувчи яхши овозга эга бўлиши, мактаб хор тўгараги, миллий ёки бошқа чолғу асбоблари ансамбли ташкил эта олишни уддалай билиши ҳам талаб қилинади. Мактаб мусиқа ўқитувчисини институтнинг ўзиёқ ҳар томонлама етук қилиб тарбиялай олмайди, у ўз устида мунтазам ишлаши, ўрганиши лозим. Унинг маҳорати ижодий изланиш орқали йиллар мобайнида шаклланади. Лекин ҳозирча қатъий ишонч билан айтиш мумкинки, жумҳуриятимиз мактабларининг мусиқа ўқитувчилари билан таъминланиш даражаси ўта қониқарсиз аҳволда. Жумҳуриятимиздаги мавжуд умумтаълим мактабларининг деярли 60 фойизи малакали мусиқа ўқитувчисига эга эмас. Ҳатто мамлакат бўйича ҳам бу кўрсаткич қониқарсиз, яъни мавжуд 130 мингдан ортиқ умумтаълим мактабларида бор-йўғи 56 минг малакали мусиқа ўқитувчиси бор, холос. Бунинг оқибатида, мактабларда мусиқа дарслари соҳадан мутлақо бехабар кишиларга топшириб қўйилиши маънавиятга бутунлай зиддир. Шуни кўра-била туриб, айрим мактаб директорлари қонунга хилоф равишда иш тутишади. Бироқ шу ўринда махсус олий мусиқа маълумотига эга айрим ўқитувчиларнинг иш услуби ҳам қониқарли эмаслигини таъкидлаб ўтиш керак. Бундай кўнгилсиз ҳолларга чек қўймас экан миз, мусиқа таълимида ютуқларга эриша олмаймиз. Ахир маънавий тарбияга шундай муносабатда бўлиш мумкинми?

...ларни ...ачи аҳволдан қутуқ...чун, аввало, жумҳуриятимиз...а мусиқа-педагогика ...ти очиш лозим. Лекин иқтисодий тангликни пеш қилиб бу таклифга қарши чиқишлари мумкин. Бу баҳона бўла олмайди. Яъни, Белинский айтганидек, «Ўз маданияти равнақи учун курашмаган халқ қашшоқ халқдир».

ЕТМИШИНЧИ ЙИЛЛАРДА СССР Композиторлар уюшмаси томонидан олий мусиқа-педагогика институти очиш масаласи кўтарилган эди. Кейинчалик мамлакатимиздаги кўпгина педагогика институтларида мусиқа факультетлари очилди. Шундай факультет илк бор жумҳуриятимизда Низомий номидаги Тошкент Давлат педагогика институтида фаолият кўрсата бошлади. У мусиқа ўқитувчилари тайёрлашга ўзининг баҳоли қудрат ҳиссасини қўшиб келмоқда. Кейинчалик шундай факультетлар Самарқанд, Бухоро, Қарши, Фарғона педагогика институтларида ҳам очилди. Алоҳида мусиқа-педагогика институти Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика институтининг мусиқа факультети асосида ташкил этилса ўринли бўлар эди.

Мусиқа ўқитувчиси бўлган кўпчилик мактабларда мусиқа хоналари мавжуд. Уларнинг бир қисми талаб даражасида жиҳозланган. Аммо кўп ҳолларда мактабларда синф хоналари етишмаслиги оқибатида мусиқа ўқитувчилари дарсларни дуч келган жойда ўтишади. Бундай ҳолда ўқувчиларга қандай қилиб нафосатдан, садолар сиридан сабоқ бериш мумкин?

Мактабларимиз учун мусиқа дарси программаси нашр этилмаганлиги оқибатида ҳар бир ўқитувчи «мулла билганини ўқийди» қабилида дарс ўтиб келаяпти. Бу — аслс кечириб бўлмайдиган ҳолдир. Янги программа бутунлай ўзгача, асосан, миллий мусиқа асосида тузилиши керак бўлади. Ота-боболаримиз бир неча асрлар мобайнида сайқал бериб, ардоқлаб келган «Шашмақом» дарсликдан ўзининг муносиб ўрнини олиши, шунингдек, классик куй ва ашулалар, катта ашулалар, фольклор қўшиқлари ҳам эътибордан четда қолмаслиги, дарсликда уларга тўла таъриф берилиши лозим.

Мактаблардаги мусиқа дарсликлари ҳақида кейинги 10—15 йил давомида матбуотда, ўқитувчилар съездларида, конференцияларда, методик кенгашларда, педагогик курсларда, малака ошириш институтларида ачиниш билан гапирилади, ҳар гал мусиқа дарслиги билан таъминлаш жуда ёмон аҳволда эканлиги таъкидланади. Аммо бирор маротаба амалий чора кўрилмайди. Ахир дарслик ўқитувчи учун ҳам. ўқувчи учун ҳам биринчи манба-ку. Дарсликнинг ўзи бўлмагач, дарсдан қандай савия кутиш мумкин?

Ёшларга нафосат сабоғи беришда мактабдаги мусиқа тарбиясининг ўзи билан чекланиб қолиб бўлмайди. Бу ишга, радио, телевидение, кино ва театр, шунингдек, концерт-томоша ташкилотлари ҳам ўз ҳиссаларини қўшишлари керак. Бу борада Ўзбекистон радиосининг мусиқали эшиттиришлар бош редакцияси ижодий ходимлари яхши иш олиб боришмоқда. Аммо Ўзбекистон телевиденеси мусиқали кўрсатувлар бош редакцияси, имконияти катта бўлишига қарамасдан, болаларга музика сирларини ўргатиш борасида эътиборни ўзига тортадиган ишлар қилаётгани йўқ. Тайёрланаётган кўпчилик кўрсатувлар савияси паст, сийқа қолипда. Ижодий изланиш ва фантазия етишмаётганлиги яққол кўринib туради. Ўқувчи ёшлар учун берилаётган мусиқали кўрсатувларни муайян системага солиш керак. Ёшлар учун эса туркум кўрсатувлар уюштириш вақти етди.

Илгарилари жумҳуриятимиз шаҳар ва районларида ашула байрамлари катта тантана билан ўтказилар эди. Турғунлик оқибатида бунга ҳам путур етди. Баҳорнинг бирор кунини жумҳуриятимиз бўйича «Санъат байрами куни» қилиб тиклаш вақти етмадимикан?

МУСИҚА ТАРБИЯСИНИ ҳозирги талаб даражасига кўтариш учун манфаатдор томонлар — Ўзбекистон ССР Халқ таълими нозирлиги, Ҳамза номидаги Санъатшунослик институти ва Қорин Ниёзий номидаги педагогика фанлари илмий текшириш институти, Ўзбекистон ССР Композиторлар уюшмаси. наҳриёт ходимларидан иборат координацион кенгаш тузиш мазкур муаммони муваффақиятли ечишга ёрдам бериши мумкин. Биргаликда, ҳамжиҳатлик билан ҳаракат қилингандагина мусиқа тарбиясида ижобий ўзгариш бўлади.

Ҳусанбой БОЙМИРЗАЕВ,
Наманган педагогика билим юрти катта ўқитувчиси, Ўзбекистон ССР ...маорифи аълочиси

МУҲОКАМА ҮЧҮН МАВЗУ

ОППОҚ ТОНГ УМИДИ

Янги саҳналаштирилган театр асарини ёки янги кинофильмларни кўргач, режиссёрнинг маҳорати қай даражада эканлигидан воқиф бўламиз. Аммо радио режиссёри қандай бўлади? Унинг иш жараёни қандай? Қандай ижод қилади? Ўзбекистон радиоси мусиқий эшиттиришлар редакциясида ўттиз йилдан буён режиссёр бўлиб ишлаётган Сандамин Юнусхўжаев билан қуйидаги суҳбат ушбу саволларга жавоб беради деб ўйлаймиз.

— Сандамин ака, қандай қилиб радио режиссёри бўлгансиз?

— Аслида ҳужжатларимни кинорежиссёр бўлиш мақсадида Москвадаги Бутуниттифоқ Давлат кинематография институтига топширганман. Лекин онамнинг бир оғиз сўзларини қайтара олмаганман. Тўққиз нафар фарзандлари ичида мени жуда яхши кўрар эканлар. Имтиҳонларни топшириб бўлиш арафасида эканимда телеграмма бориб қолди: «Юнусхўжаев тезда етиб кел». Бошқа ҳеч гап йўқ. Қўлимда телеграмма, кўзимга ҳеч нарса кўринмайди. Хаёлимда онам... Поездда кетай десам икки-уч кунлик йўл. Минг бир азоб билан самолётга билет топиб, Тошкентга учиб келдим. Онам мақсадларини айтдилар: «Ўғлим, ўқисанг Тошкентда ўқийсан. бошқа ёққа чиқиш йўқ». Онамнинг сўзини бирор марта ҳам икки қилмаганман. Ноилож «хўп бўлади, онажон», дедиму қайтиб ВГИКка бормадим. 1958 йили Тошкент Театр ва рассомлик санъати институтининг драма режиссёрлиги факультетига кириб ўқий бошладим. Айни вақтда 1960 йил 1 июндан радиода, болалар редакциясида ҳам иш бошлаганман. Ўқишни битиргач ҳам радио-режиссёрлик ишим давом этиб кетди. Тўғри, бу орада бир неча театрларда спектакларга ҳам режиссёрлик қилдим.

— Дастлабки ижодий ишингиз, умуман фаолиятингиз ҳақида сўзлаб бермоқчи бўлсангиз?

— Диплом ишини биринчи мустақил ижодим, десам бўлади. Ҳамид Олимжон номидаги Самарқанд музиқали драма театрида татар драматурги Ҳай Воҳиднинг «Биринчи муҳаббат»ини ҳамда Н. Сафаровнинг «Кимга тўй, кимга аза» (М. Левиев музиқаси) асарларини саҳналаштирганман. Бу иккала асар ҳам телевизор орқали кўрсатилган.

Ишларимнинг муваффақиятли чиқишида устозим, Ўзбекистон ССР халқ артисти Тўла Хўжаевнинг ҳиссалари жуда катта. 1964 йили Жиззах вилоятидаги музиқа ва комедия театрига бош режиссёр бўлиб ишга бордим. Сўнг шу ерда драма театри ташкил қилдик. (Ҳозирда бу театр Юнус Ражабий номи билан аталади). Н. Сафаровнинг «Тарих тилга кирди», А. Қаҳҳорнинг «Тобутдан товуш» асарларини саҳнага олиб чиқишга эришдим. 1967 йилдан болалар ва ўсмирлар редакциясида режиссёр бўлиб ишлай бошладим. 1968 йили катта редактор Тўлқин Илҳомов билан биргаликда «Аланга» ўсмирлар радиожурналини ташкил этдик. Бу радиожурнал ҳозирги кунда ҳам ўз фаолиятини давом эттирмоқда. Шу вақтнинг ўзида редактор Павел Тутин билан рус тилида «Огонёк» радиожурналини ҳам уюштиришга муваффақ бўлдик.

Мусиқа ва эртак болаларни тарбиялашда жуда катта аҳамиятга эга эканлигини назарда тутиб, театр артистлари билан ҳамкорликда «Бор эканда, йўқ экан» номли кечки эшиттиришни йўлга қўйдик. Унинг бошланиш тарихи жуда қизиқ бўлган. Болаларга айтиладиган эртаклар асосан ҳайвонлар ҳақида. Радио орқали ҳайвонлар овозини бера олиш артистдан маҳорат, режиссёрдан танлай билиш қобилиятини талаб қилади. Шунинг учун Ўзбекистон ССР халқ артисти Марям Ёқубова, Рауф Болтаев, Таматхон Зиёхонова, Мария Кузнецова билан беш кун ҳайвонот боғига саёҳат қилганмиз. Ҳозирда бу эшиттиришимиз ўз фаолиятини давом эттирмоқда.

— Режиссёр ва актёр ижодий муносабатлари ҳақидаги фикрингизни билмоқчи эдик.

— Радиода режиссёр асосий куч ҳисобланади. Айниқса, инсценировкадаги роллар учун актёр танлай билиш мушкул вазифа. Мен кўпинча Ҳамза номидаги Ўзбек давлат академик драма театри актёрлари билан биргаликда иш олиб бораман. Шунинг дек, Сурҳат Пўлатов, Мукамбар Раҳимова, Дилфуза Ғуломова ҳамда диктор Мамлакат Пўлатова менинг доимий ёрдамчиларимдир.

Радиода янги овозлар пайдо бўлишининг талаб гориман. Ана шундайлардан бири Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган артист Маҳмуд Исмоилов ҳамда Шоҳида Исмоиловадир. Улар ҳам Ҳамза номидаги театрнинг артистлари.

— Нега яхши радиопостановкалар кам яратиляпти?

— Бунинг боиси радиодраматургиянинг йўқлигида деб биламан. Умуман, ўзбек драматургиясида яхши режиссёрлар бор. Аммо радис учун ёзилган асарнинг ўзи йўқ. Шу кунгача ҳаво мавжларида бериб келинган радиоинсценировка, радиопостановкаларни минг азобда қайта яратиб, тингловчига етказамиз.

— Режиссёр олдида турган асосий муаммолар нималардан иборат?

— Асосий муаммолардан бири радиодраматик асарларнинг йўқлигига бориб тақалади. Яқинда телевидение ва радио қошида алоҳида уюшма ташкил қилинади. Назаримда, шу уюшма қошида радиодраматургия бўлимини ташкил этиш керак. Бундан ташқари, драматургларимиз режиссёр билан ҳамкорликда асар яратсалар, жуда соз бўлар эди.

— Радио режиссёрининг театр ва телевидение режиссёридан қандай фарқи бор?

— Фарқи шундаки, телевидениеда, театр саҳнасида рассом, композитор, гримёр. костюмёр, жиҳозлар ва чироқ мавжуд. Радиода булар йўқ. Бу ерда асосий куч — овоз ва режиссёр. Актёрнинг хатти-ҳаракатлари овозлар орқали тингловчига етказилиши керак. Бу актёрдан катта маҳоратни талаб этади. Режиссёрнинг бир ўзи ҳеч қандай иш қила олмайди. Бу борада менинг энг яқин кўмакдошим, овоз созловчи Озода Шермуҳамедовадан миннатдорман. Унинг ишига бўлган ҳурмати, одамийлиги ва самимийлиги менинг толмай ишлашимга ёрдам беради.

— Ўз фаолиятингиздан қониқасизми?

— Албатта. 1984 йили Наманганда драматург Турсун Собировнинг «Қайдасан, Ҳаёт» асарини саҳналаштирдик. (Матниёз Юсупов мусиқаси асосида). Шундан сўнг 1985 йили Москвага, олий режиссёрлар курсига ўқишга бордим. Унда мен саноат бўлими редакциясининг режиссёри эдим. Устозим, Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган артист Неъмат Дўстхўжаев билан доимо фикр алмашиб турардик. «Ишчинома», «Ўзбекистон ишчиси» программаларини тайёрлаган муҳаррирлар Музаффар Саидов ва Иброҳим Норматов билан ишлаганимда дам олар эдим.

Ҳозирда мусиқавий эшиттиришлар редакциясида режиссёрлик қилмоқдаман. Бу ерда ҳам ажойиб муҳаррирларимиз бор. Масалан, фикри теран муҳаррир Зулфия Обидова «Ўлмас сиймолар», Абдумалик Набиев «Янги овозлар», Маъфура Муҳамедова «Хайрли тун», Алишер Исомиддинов «Мусиқа ва саҳна» эшиттиришларини тайёрлашади. Биз эшиттиришларни тайёрлаётганда тингловчи бўлиб ҳам иш тутишимиз керак. Бу кўпроқ режиссёрнинг уқувига, маҳоратига, диди ва ишбилармонлигига боғлиқ.

Ўз ишимдан қониқишимнинг яна бир боиси — ҳозирги кунда радиода овозлари жаранглаб турган шогирдларим, олий ва биринчи категорияли дикторлардан Сунатулла Аҳмедов, Шоира Юсупова, Азиза Абдуллаева, Неъмат Муродов, Салима Расулова ҳамда режиссёрлар Қаҳрамон Ашуров, Акбарали Очилов, Назира Кўзибоеванинг меҳнати менга завқ беради. Уларнинг ичида кўпроқ изланишларини, ўрганишларини, ўсишларини истайман.

— Ҳозир қайси асар устида иш олиб бораяпсиз?

— Айни вақтда бутун эътиборимни классик асарлар асосида катта-катта радиокомпозициялар яратишга қаратганман. Бунда Навоий, Фурқат, Муқимий асарларига таяниб иш тутяпман.

— Сандамин ака, онлангиз ҳақида гапириб бersangиз.

— Икки ўғлим ва бир қизим бор. Бўш вақтимни иложи борича шуларга сарфлайман. Яна бир нарсани айтиб қўяй: мен оптимистман. Оқ ва қора рангларни жуда яхши кўраман. Ўтиб бораётган умрнинг ҳам айрим вақтини қора булутли кунларга, айрим вақтини булутдан кейинги ярқироқ, яъни оқ кунларга ўхшатаман. Чунки қора тун кетидан оппоқ тонг келади, тўғри эмасми.

— Албатта. Мароқли суҳбатингиз учун раҳмат.

Суҳбатдош
Гулзода МАМБЕТОВА

МАТЛАБ АЯ

Қадимий Бухорода халқларимизнинг асрлардан-асрларга ўтиб келаётган бебаҳо халқ оғзаки ижоди, урф-одат ва анъаналарининг кўпгина намуналари сақланиб қолган. Бухоро шаҳри ва районларида ташкил топган бир неча фольклор ансамбллари бундан далолат бериб турибди.

Шундай ансамбллардан бири Бухоро шаҳар маданият уйи қошида ташкил топган «Нозанин» халқ фольклор-этнографик ансамблидир. Ансамблнинг фаол қатнашчиларидан бири 66 ёшли Матлаб ая Ражабова бўладилар. Матлаб аянинг уй-музейи бўлиб, унда қадимий асбобускуналар, сиёҳдон, шамдон, музика асбоблари, китоб жавони ва бошқа ноёб буюмлар сақланади.

Мана, 30 йилларки, М. Ражабова мухаммас, қадимий лирик, табрик ва Наврўз байрамига бағишланган шеърларни йиғади. Ўзи ҳам қадимий Бухорога бағишланган бир неча шеър, тўртликлар битган. Ая талантининг яна бир ажойиб хусусияти шундаки, у қадимий араб эртаклари «1001 кеча»дан бир неча эртакларни ёддан айтиб бера олади. Бу ҳақда «Ўзбекфильм» киностудияси «Бухороча эртак» номли 40 минутлик фильм ишлаган.

«Нозанин» фольклор-этнографик ансамбли кўплаб Бутуниттифоқ ва жумҳурият фестивалларида қатнашган.

Матлаб ая Ражабова ансамблининг энг изланувчан, талантли аъзоси сифатида 1986 йил сентябрда Новгород шаҳри яқинидаги «Витославль» ёғоч-меъморчилиги музейида бўлиб ўтган Улуғ Октябрь социалистик революциясининг 70 йиллик юбилейига бағишланган халқ ижодиёти II Бутуниттифоқ зонал фестивали фольклор байрамида қатнашиб, ўзининг қадимий эртаклари, халқ ижодиётининг ажойиб намуналаридан айтиб берди ва томошабинлар олқишига сазовор бўлди.

Ю. ҲАМДАМОВ

СУРАТДА: Матлаб ая РАЖАБОВА.
М. ҚОДИРОВ суратга олган

ИЖОД БАҲОСИ

«16 ёшли Малика озмикўпми тажрибага эга актриса эди. У биринчи уриниш...дёқ А. Островский номидаги Тошкент Театр ва рассомлик санъати институтига ўқишга кирди. Иброҳимова кириш имтиҳонида ўзбек адабиёти классик асарларидан бири Ҳамзанинг «Бой ила хизматчи» драмасидан Ғофир монологини ижро этди.

Эътибор беринг: Жамила монологини эмас, Ғофир монологини...»

Ушбу парча яҳудий драматурги Юрий Галкиннинг «Атрофда фақат яҳудийлар» китобида чоп этилган «Ўзбек театри Маликаси» мақоласидан олинди. Бу китоб ўтган йили Исроилнинг «Мория» нашриётида босмадан чиққан. Ундан муаллифнинг драмалари билан бирга театр санъати ва таниқли совет актёрлари ҳақидаги мақолалари, ижодий портретлари ўрин олган.

Юрий Галкин аслида Москвада туғилган. Унинг таниқли театр саҳна усталари, қатор спектакларга ёзган тақризлари 70-йилларда анча машҳур бўлган эди. У 1982 йилдан Исроил фуқаролигини қабул қилган. Унинг мазкур китобидан ўрин олган ижодий портретлари орасида таниқли ўзбек актрисаси Малика Иброҳимова ҳақидаги сатрлар самимий, содда ва равон ёзилганлиги билан ўқувчи диққатини тортади. Муаллиф, аввало Маликанинг театр санъати оламига кириб келиш жараёни тўғрисида қизиқарли воқеаларни ёзади. Сўнг СССР халқ артисти Шукур Бурҳонов, Ўзбекистон ССР халқ ёзувчиси Туроб Тўла, таниқли таржимон Ваҳоб Рўзиматов ва режиссёр Эргаш Масофаевнинг актриса таланти ва ижоди ҳақидаги фикр-мулоҳазалари баён этилган. Масалан, Ш. Бурҳонов у ҳақда шундай дейди: «Мен Маликани талабалик йиллариданоқ кузатиб келаман. Ва хулоса қилиб айтмоқчиманки, бу қизча албатта актриса бўлади, катта актриса».

Малика Иброҳимованинг «Ёш гвардия» драма театридаги ижодий муваффақиятлари, режиссёр Эргаш Масофаев билан бирга олиб борган саҳнадаги изланишлари мақолада чуқур таҳлил қилинган. У мазкур театрда саҳналаштирилган Ўткир Ҳошимовнинг «Баҳор қайтмайди» пьесасида иккита ролни ижро этиб, 18 ёшли Клара ва 40 ёшли отарчи аёл образларини яратди. Айниқса, отарчи аёл қиёфаси саҳнада ўзининг ҳаётий ижросини топди. Драматург Абдуқаҳҳор Иброҳимовнинг «Биринчи бўса» асаридаги Роҳат образи Малика Иброҳимовага катта шуҳрат олиб келди. Мақолада мазкур образ таҳлили атрофлича баён этилган.

Шунингдек, мақолада М. Иброҳимованинг телевиденеедаги ижод йўли ҳам жонли мисолларда кўрсатилган. Ҳамюртимиз, истеъдодли актриса Малика Иброҳимова ижоди ҳақида ҳали бундай мақолалар ўзимизда ҳам, хорижда ҳам кўплаб ёзилишига шубҳа йўқ.

А. ОЧИЛОВ

СУРАТЧИ БИСОТИДАН

Таъзим

С. М. ҲАКАМОВ суратга олган

ЕРОСТИ СУВИ БЕҲИСОБМИ?

Қашқадарёда «мишмиш» тарқалди. Нима эмиш, яккабоғликлар қўйи районларга сув бермаймиз, деб кўчага чиқиб, митинг қилишганмиш...

Шамол бўлмаса, дарахтнинг учи қимирламайди. Ҳақиқатан ҳам, яккабоғликлар ўтган йили икки марта кўчага намойиш қилиб чиқишгани рост. Райондаги «Правда», «Ульянов» колхозлари қишлоқларида яшовчи мингга яқин киши 1989 йилнинг «Наврўз» байрами куни район партия комитети биноси ёнига тўпланди. Улар мутасаддилардан ўз қишлоқларидаги йўлларни тартибга келтириб, маданий-маиший шароитни яхшилашни, кўп йиллардан бери Китоб, Шаҳрисабз, Яккабоғ районларидан Қарши томонга қувурлар орқали олиб кетилаётган сувнинг маълум қисмини чеклаб, исрофгарчиликка чек қўйишни талаб қилишди. Ноилож қолган раҳбарлар: «Талабларингиз тўғри, биз бу муаммоларни тез кунда ижобий ҳал этамиз» деб ваъда беришди.

Тез орада қаровсиз кўчаларга номига бўлса-да, текисланиб, тош ётқизилди. Водопровод учун қувурлар келтирилди. Аммо кўп ўтмай кўзбўямачиликнинг миси чиқди: бошланган ишлар тақа-тақ тўхтаб, ўлда-жўлда қолиб кетди. Ширин-шакар сув қулоч етмас қувурлар орқали Муборак томонга оқиб кетаверди. Ер остидаги сувнинг минглаб қудуқлар орқали ваҳшийларча сўриб олиниши эса экологик вазиятни баттар мушкуллаштириб қўйди. Келажакда юз бериши мумкин бўлган тангликлар эса ҳали олдинда. Қашқадарё вилояти ижроия комитетининг ўтган йили 29 августда бўлган сессиясида ҳам шу хусуда анча-мунча фикр-мулоҳазалар ўртага ташланди. Лекин ижроқўмнинг ўша вақтдаги раиси В. И. Сускин кўпчиликнинг раъйига қарши чиқиб, «Халқ гапирса, гапираверсин. Сув уларники эмас, давлатники. Давлат қаерга истаса, шу ерга олиб беради» деган мазмунда гап қилди. Бу гаплар шу куниёқ Яккабоғга етиб келди. Одамлар орасида норозилик кучайди.

9 сентябрь куни район марказида «Қовун сайили» ўтказиш белгиланганди. Гапни бир жойга қўйган одамлар сайилга эмас, намойишга чиқишди. Уларнинг талаблари қуйидагича эди: «Вилоят ижроқўми раиси Яккабоғга келиб, аҳволни яхшилаб ўргансин, одамлар олдига чиқиб, бор гапни рўйрост айтсин. Қачонгача раҳбарлар халқдан ҳақиқатни яширадилар». Таассуфки, фуқароларнинг талаби инобатга ўтмади. Аксинча, ўша куни вилоят ички ишлар бўлими бошқармаси раҳбарларининг буйруғига кўра Яккабоғга юздан ортиқ милиция ходимлари келтирилиб, тинч намойиш қатнашчилари тарқатиб юборилди. Қўлга олинган бир неча кишига нисбатан эса жиноий иш қўзғатилди...

Халқимиз ўта бардошли ва сабр-тоқатли. Жонидан ўтмаса ҳеч қачон кўчага сабабсиз чиқиб, намойиш қилмайди. Яккабоғдаги сув мажароси ҳам ўз-ўзидан келиб чиққани йўқ. Шу сабабли Шаҳрисабз— Китобдаги ер ости сув манбаларидан фойдаланиш масалаларини ўрганиш учун комиссия тузилди. Унинг хулосаси вилоят газетасида эълон қилинган «Безовта бўлишга асос йўқ» (1989 йил, 16 сентябрь) сарлавҳали мақолада батафсил баён этилди. Агар газета маълумотига ишонадиган бўлсак, экологик текшириш ўтказиш учун 1989 йил 23 июнда кўрсатма берилган. Фалакнинг гардишини қарангки, бу текшириш кўрсатма берилганидан бир ой аввал, яъни 19—21 май кунлари ўтказилибди. Шундай бўлгач, унинг хулосалари тўғри эканлигига ким ҳам ишонарди? Одамларда яна шубҳа-гумон кучайди.

Ўша мақолада таъкидланишича, «Ўзбекгидрогеология» ишлаб чиқариш бирлашмаси томонидан ўтказилган текширишда 1989 йилнинг 1 июлига қадар бу ҳудудда 2874 қудуқ борлиги, улар орқали секундига ўртача 7,0 кубметр сув сўриб олинаётганлиги, 1222 қудуқдан ерларни суғориш мақсадида фойдаланаётганлиги аниқланган. Ана шу қудуқларнинг 869 таси Китоб — Шаҳрисабз ер ости сувлари районида, 403 таси эса бевосита сув тўплаш узеллларида жойлашган. Ер ости сувларининг узлуксиз сўриб олиниши воҳанинг табиий гидрогеологик аҳволига ҳам жиддий таъсир этган. Баъзи жойларда ер ости сувлари ўртача 10—12 метргача пастлаб кетган. Наҳотки, аҳвол шундай бўла туриб, «Безовта бўлишга асос йўқ бўлса»?. Ахир, бу мантиқсизлик эмасми?

Яккабоғда биргина сув муаммоси эмас, бошқа қийинчилигу муаммолар ҳам тўлиб-тошиб ётибди. Ўнлаб қишлоқларнинг ҳусни-жамоли ҳисобланмиш биргина хўжалик магазини ва мактаб ҳам хароб аҳволда. Олақарға қишлоғидаги мактабда бўлганимизда ачинарли ҳодисаларнинг гувоҳи бўлдик. Қишлоқ ўртасида жойлашган пастқам мактаб биноси ёнида бир гуруҳ болаларнинг темир бочка олдида ғуж бўлиб галма-галдан сув ичишаётганини кўрдик. Мактаб ўқувчилари офтобнинг жазирама тиғида кунлаб ётган шу занглаган сувни ичиши даҳшат эмасми?

Район марказий шифохонасининг бош врач ўринбосари Панжи Қаҳҳоров: — Районимиз болалар ўлими, юқумли касалликлар бўйича олдинги ўринда туради. Мана, кўриб турибсизлар, марказий шифохонага дарёдаги оқава сувдан қувурлар орқали ичимлик сув олиб берилади. Касалларнинг юзига қаролмаймиз. Бир касални даволаб, иккинчисини пайдо қилмаяпмизми?

Касалхона атрофидаги хонадонларда ичимлик сув қайнатиб ичилар экан. Чунки шу атрофлардан турли юқумли касалликларнинг вируслари чиқибди. Сув ифлосланса, касаллик кўпаяди-да. Ҳеч ким халқ қандай сув ичаяпти деб қизиқмайди? Ҳолбуки, мана шу заминнинг остидаги тоза сувлар Муборак газ комплекслари эҳтиёжи учун қувурлар орқали ташиб кетилмоқда. Бу сувнинг ўрнини ҳеч нарса тўлдира олмайди. Ҳеч ким сув яна кўпаяди деб башорат ҳам қила олмайди. Табиатга қилинаётган зуғум бир кунмас-бир кун яна инсоннинг ўзига қайтади. Табиат ўч олади... «Сув жанжали» бошланганига ҳам, мана, бир йилдан ошди. Лекин ҳали-ҳануз аниқ бир қарорга келингани йўқ. Бу эса одамларни баттар ташвишга солмоқда.

Хўш, «сув жанжали» қачон барҳам топади. Қачон, одамлар кўнглидаги ғашлик, шубҳа-гумонлар арийди? Халқ ўзини қийнаган мана шу саволларга жавоб кутмоқда.

Дилбар САФАРОВА

РЕДАКЦИЯДАН:

Мақолада Қашқадарё вилоятининг тоғли районларидаги экологик вазнятни соғломлаштириш, табиатнинг минг йиллар мобайнида таркиб топган мувозанат занжирларини узмаслик хусусида муҳим мулоҳазалар ўртага ташланган.

Редакция мақолада кўтарилган долзарб муаммолар юзасидан Қашқадарё вилояти ижроқўмидан амалий жавоб кутади.

ҚУМОТАНИНГ СИРИ

МУҲОКАМА УЧУН МАВЗУ

Ошоралик, қайта қуриш шарофати билан табиблар, экстрасенслар, табиат ато этган ноёб қобилиятли кишилар дадилроқ, эркинроқ бўлиб дардманд одамларга бир қадар ёрдам беришмоқда. Бироқ уларнинг муолажалари беморларнинг ҳаммасига шифо бўлаётгани йўқ. Қолаверса, уларнинг орасида ҳам кўзбўямачилар, қаллоблар учраб турибди.

Беморлар эса дарддан, касалликдан фориғ бўлиш умидида даво истаб ўзини ҳар томонга урмоқда. Бирор киши: фалон жойда зўр табиб бор эмиш, деса ёки писмадон шаҳардан қуввати ниҳоятда кучли экстрасенс чиқибди, ҳар қандай касални даволай олармиш деса борми, бемор, унинг оға-инилари йўл. оворагарчилигига ҳам парво қилмай ўша томонга отланадиган бўлишди.

Одамлар дардларига шифо топиш илинжида турли жойлардаги шифобахш маскан ларга борадилар. Бундай жойлар табиатнинг бизга инъомидир. Шифобахш масканларнинг, айтайлик, суви, булоғи, тузи, қуми илмий жиҳатдан ўрганилиб, бугунги кунда табобатимизнинг таянч масканларига айланиб бормоқда.

Самарқанд вилоятида ҳам тиббий хислати ўрганилган ўрганилмаган жойлар талайгина. Оқдарё район «Коммунист» колхозининг 6-бригадасида шифобахш бир қумлоқ майдон бўлиб, у ерни одамлар Қумота деб аташади. Ҳар йили саратон ойининг фақат чоршанба ва шанба кунлари Қумотага наинки Оқдарёдан, ҳатто қўшни районлардан оёқ, бел оғриғининг турли кўринишлари билан касалланган ўн лаб-юзлаб хаста кишилар оқиб кела бошлайди. Улар фарзандларини, набираларини етаклаб келишади. Чунки кун айни қизиган маҳали касалманд одамни енгил кийимда ярим танигача қайноқ қумга кўмиб қўйиши, чанқаса яхна чой келтириб бериши учун кўмакчи керак бўлади-да. Уч-тўрт сўм чойчақа топаман, хаста одамларнинг дуосини оламан, деган ҳожатбарорни эса маъмурлар меҳнатсиз даромад қилишда, диндорликда айблаб тезда «танобини тортиб» қўядилар. Афсуски, улар беморларнинг дарди, беҳаловатлиги билан қизиқ майдилар.

Қумотада бир синоат борки, баъзан раҳбарларнинг қаршилигига қарамасдан одамлар у ерга боришни, унга сиғинишни канда қилмайдилар. Ҳатто бир йили Қумотага кимнингдир буйруғига асосан пахта экиб кўришган — кўкармаган.

— Одамлар нега айнан саратонда, айнан шу қумлоққа тушадилар? — дея сўрайман район марказий шифохонасининг врачи Абдуалим Хўжамовдан.

— Менимча, қумда маълум миқдорда иссиқлик тўпланади ва шу ҳарорат қумга тушган одамнинг суяк-суякларигача ўтиб боради. — дейди у содда қилиб. — Қумотанинг шифобахшлиги, афсуски, ҳанузгача илмий ўрганилмаган. Натижада, бир хаста киши бу ердан шифо топса, иккинчи бир беморнинг дардига дард қўшилиши ҳеч гап эмас. Бу ишга вилоятдан, ҳатто Тошкентдан мутахассисларни жалб қилиш керак.

А. Хўжамовнинг фикрига мен ҳам қўшиламан, лекин врачларимизнинг муолажаю тавсия этган дори-дармонларидан барча бемор ҳам шифо топиб, мутлақо соғайиб кетаётгани йўқ. Қумотага 3—4 марта келгач дардидан фориғ бўлганлар эса кўпчиликни ташкил қилади. Неча ўн йиллардан буён бу шифобахш масканга одамлар интилиб келган, ҳозир ҳам шундай.

Шу районнинг Ленин номидаги колхозида Кўтирбулоқ деган булоқ мавжуд. Бу булоққа тери касалликлари билан касалланганлар келиб ювиниб-чўмилишади. Мутахассислар эса бу сувнинг қандай касалликларга шифо бўлишини ҳанузгача илмий асослаб беришгани йўқ.

Хўш, шифобахш хислатли бундай масканлар жумҳуриятимизда қанча, уларнинг ҳаммаси ҳам илмий жиҳатдан ўрганилганми? Йўқ, албатта. Дори-дармонлар сезиларли даражада камайган, замонавий тиббий асбоб ускуналар етишмай турган бугунги кунда табиат инъом этган Қумотага ўхшаш мавсумий шифо масканларига эътиборни қаратмоқ керак.

Шунингдек, бундай жойларда кўчма шийпончалар, ошхона ва чойхоналар ташкил этиш, транспорт қатновини йўлга қўйишни ҳам ўйлаб кўрсак ёмон бўлмасди. Хаста кишилар оворагарчиликлардан қутулиб, тезроқ шифо топарди.

Тоҳир ДОЛИЕВ

ДЎСТИМИЗ ХОТИРАСИ

Ажойиб инсон, истеъдодли режиссёр Рустам Бобохонов 39 ёшида ҳаётдан кўз юмди. Кўплаб орзу умидлар ушалмай қолди, бошланган ишлар интиҳосини тополмади. Театр санъатига ихлос Рустам Бобохонов қалбида мактабда ўқиб юрган кезларидаёқ уйғонди. Тошкент Театр ва рассомлик санъати институтини муваффақиятли тугаллаб жумҳуриятимиз Маданият нозирлигида ўз соҳаси бўйича хизмат қилди. Илк спектакларини Жиззах область музикали драма ва комедия театрида саҳналаштирди. Унинг маҳорати Муқимий номидаги республика музикали театрида ёрқин намоён бўлди. Жумҳуриятимиз композиторлари билан самарали ҳамкорлик қилди. Жамоатчилик яхши кутиб олган Р. Тагор ва М. Бафоевнинг «Рожа», О. Юсупов ва С. Жалилнинг «Шайтон ва муридлар», Я. Худойқулов ва С. Жалилнинг «Кампир кетармиш», К. Яшин ва Т. Жалиловнинг «Нурхон», Ҳ. Ғулом ва Ш. Шоҳимардоновнинг «Муҳаббат навоси» спектакллари режиссёри сифатида кўпчиликка танилди. Яқиндагина у саҳнага олиб чиққан «Юсуф ва Зулайҳо» (Р. Бобожон ва Ф. Алимов асари) спектакли ютуқлари ҳақида мамнуният билан гапирган, уни табриклаган эдик. Рустам Бобохонов яратган спектакллар чуқур ғоявий-бадиий қиммати, фалсафий руҳи билан ажралиб туради.

Рустам Бобохонов қаерда ишламасин меҳнатсеварлиги, камтарлиги, меҳрибонлиги, самимийлиги билан ҳамкасблари ҳурматини қозонди. Унинг порлоқ хотираси қалбларимизда узоқ яшайди.

БИР ГУРУҲ ДЎСТЛАРИ

СУРАТДА: Сирдарё вилояти автотрестига қарашли «Юбилейний» пионер лагерида меҳнаткашларнинг 900 нафар фарзандлари дам олишмоқда.

У. ҚУШВОҚОВ суратга олган

ЎзАС ахбороти

Буюк ўзбек олими Маҳмуд ибн Умар аз-Замахшарийнинг (1075—1144) туғилганига 915 йил тўлди. Хоразмлик аллома тил, адабиёт, назм, фиқҳ, ҳадис, тафсир, аруз назарияси каби соҳаларга доир элликдан зиёд теран асар яратган. Бу асарларнинг аксар қисми бизгача етиб келган. Кейинги вақтларда Шарқ мамлакатларида, жумладан жумҳуриятимизда ҳам аллома меросини ўрганишга катта эътибор берилмоқда. У ҳақда мақолалар, рисолалар ёзилмоқда; тадқиқотлар олиб борилмоқда.

Яқинда Тошкент давлат университети шарқ факультетида «Устоз ул-араб ва л-ажам», яъни «Араблар ва ғайриараблар устози» деб шуҳрат топган Маҳмуд аз-Замахшарийнинг ҳаёти ва ижодига бағишланган илмий анжуман бўлиб ўтди. Мажлисда филология фанлари доктори, профессор Алибек Рустамов «Аз-Замахшарий — тилшунос олим», ЎзФА Ҳ. Сулаймонов номидаги Қўлёзмалар институтининг илмий ходимлари — филология фанлари номзоди Қозоқбой Маҳмудов «Аз-Замахшарийнинг «Муқаддимат ул-адаб» асарида шевачилик хусусиятлари» ва Зоҳиджон Исломов, «Аз-Замахшарийнинг ЎзФА Қўлёзмалар институти хазинасидаги қўлёзма асарлари», ТошДУ шарқ факультети доценти Ўткир Қориев «Аз-Замахшарийнинг луғатшуносликка оид асарлари», шарқ факультети доценти Убайдулла Уватов «Аз-Замахшарий асарларининг араб мамлакатларида ўрганилиши» мавзуларида маърузалар қилдилар.

●

Жумҳурият Ёзувчилар уюшмасининг биринчи котиби, СССР халқ депутати Одил Ёқубов билан «Ўзбекгидрогеология» ишлаб чиқариш бирлашмасининг катта залида ер ости сувларини ва табиий жараёнларни ўрганувчи мутахассисларнинг учрашуви бўлиб ўтди.

Унда ижодкор Ўш вилоятида содир бўлган воқеалар ҳақида сўзлаб берди.

Ўзаро мулоқотлар чоғида ёзувчи ўзининг ҳаёт йўли ва ижодидан ташқари, ёзувчиларимизнинг ижодий фаолияти, СССР халқ депутатларининг қизғин баҳслари каби кўпчиликни қизиқтирган саволларга атрофлича жавоб берди.

Учрашув қатнашчилари матбуот саҳифаларида ижтиموني-сиёсий масалаларга кўпроқ жой ажратиш зарурлиги, йигитларимиз фақат Туркистон ҳарбий округидагина хизмат қилишлари кераклиги каби қатор ҳақли талаблар билан депутатга мурожаат қилишди. Йиғилиш сўнггида депутат барча билдирилган фикрларни ўз фаолияти давомида инобатга олиши, бундан кейин ҳам жумҳуриятимиз аҳолисининг бугуни ва келажаги учун, халқларимиз фаровонлиги учун толмай хизмат қилишини билдирди.

И. ОТАЖОНОВ

●

Сиэтл шаҳрида «Инглизча-ўзбекча сўзлашгич» китобчаси чоп этилди. Уни В. Диркс ва М. Мегин тузишган. Улар бир йил мобайнида ТошДУнинг ўзбек филологияси факультетида сабоқ олиб, яқингинада юртларига қайтишган эди.

Сўзлашгичда ўзаро муомалада ишлатиладиган иборалар изоҳлари билан баён қилинган. Дўкон, чойхона, бозор каби жойларда кўпроқ қўлланадиган сўзларга ҳам кенг ўрин берилган. Рисола ўзбек халқининг миллий хусусиятларини акс эттирувчи расмлар билан безатилган. У сайёҳлар, тилни билмайдиган кишилар учун фойдали қўлланмадир.

Бу америкалик ҳамкасбларимизнинг дастлабки иши. Улар ўзбек тили ва адабиёти ҳақида мукаммалроқ асарлар ҳам яратадилар, деб умид қиламиз.

Турғун РАҲМОНОВ

●

Муқимий номидаги республика музикали театри Қашқадарё вилоят гастроллари Муллатўйчи Тошмуҳамедов номидаги вилоят театрида «Олтин тўй» деб номланган томоша билан бошлади. Томоша Носир Отабоев сценарийси асосида тайёрланган бўлиб Муқимий номидаги театрнинг 50 йиллик фаолияти ҳақида ўзига хос ҳисоботдир. Шунингдек, Қарши шаҳрида Ҳ. Ғулом ва Ш. Шоҳимардоновнинг «Муҳаббат навоси», С. Абдулла ва Т. Жалиловнинг «Гул ва Наврўз» музикали драмалари, А. Абдуғафуров ва Н. Зокировнинг «Анқовлар чайқови» сатирик комедияси намойиш этилди, табассум оқшомлари ўтказилди.

Шу кунларда театр группасининг бир қисми уч гуруҳга бўлиниб вилоятнинг районлари бўйлаб сафарга отландилар.

●

Маданият жамғармаси қошидаги Атамалар кенгашининг навбатдаги йиғилиши бўлиб ўтди. Унда узоқ йиллар давомида эътибор берилмай келинган тарихий номларни ўрганиш ва қайта тиклаш борасида фикрлар билдирилди. Жумҳуриятимиздаги айрим жой номлари ўнлаб учраши сабабли уларнинг қадимий атамаларини тиклаш ёки янгича аташ мақсадга мувофиқлиги, чунки кўпгина ўхшашликлар оқибатида мактублар жўнатишда ва бошқа масалаларда ноқулайликлар туғилаётгани айтилди. Бу ишлар биринчи галда ўша жой аҳолиси билан бамаслаҳат амалга оширилиши лозимлиги таъкидланди.

Атамаларни ўзгартириш маблағ билан боғлиқлиги учун дастлаб жумҳуриятимиздаги Большевик, Коммунистик, Красногвардейск каби баъзи район ва шаҳарлар номлари ўрганилиб мақбул тарзда алмаштирилиши даркор, деб топилди.

БОЗОРНИНГ ЯНГИ ҚИЁФАСИ

Тошкентнинг марказида, Эски Жува мавзеида қад ростлаган замонавий архитектура ансамбли — халқимиз орзиқиб кутган кўп қаватли, гумбазли янги бозор комплекси ишга туширилди. Деҳқонлар ва шаҳар меҳнаткашлари учун қулайликлар яратилган бу бозорда ҳозирги кунда одам гавжум, савдо авжида.

Тўғри, бозор ҳали тўла қуриб бўлингани, сўнгги пардоздан чиққани йўқ. Унинг атрофида қурилиш ишлари давом этмоқда. Хўш, у келгусида қандай қиёфа касб этади, бозор аҳли учун қандай қулай имкониятлар яратиб берилади?

Мухбиримиз шаҳар бош архитектори, бозор комплексининг лойиҳасини яратган ижодкорлар коллективининг раҳбари Собир ОДИЛОВ билан ана шулар тўғрисида суҳбатлашди.

— Бу бозор нафақат Тошкент шаҳридаги ёки жумҳуриятимиздаги, балки Ўрта Осиёдаги энг катта бозорлардан бири бўлади. Бозорни янгилаш ва уни кенгайтириш учун лойиҳага бу ер бежиз танланмаган. Чунки бу ер шаҳарнинг тўрт тарафини боғлайдиган, деҳқонлар учун ҳам қулай, хушҳаво, хушманзара жойдир. Қолаверса, бу ерда шаҳар тарихи учун керакли бўлган эски бозор ўрни ҳам сақланиб қолади. У шаҳарнинг тарихий қисми билан замонавий қисмини бир-бирига боғлайди.

Лойиҳада бозор учун катта майдон қамраб олинди. Унинг теграси бир томондан Эски Жувадан илгариги Спартак стадионигача, ундан «Болалар дунёси» магазини, Кўкалдош мадрасаси орқаси Навоий кўчаси бўйлаб, иккинчи томондан Ботир Зокиров, Форобий, Сағбон кўчалари орқали Эски Жува майдони бўйлаб ўтади.

Бу ерда бозор қурилиши ва таъмирланиши икки босқичда олиб борилади. Биринчи босқичда «Каллахона», «Қизил тут» маҳаллалари ўрнида гумбазли бозор тўла қуриб бўлинади. Шунингдек, у билан эски бозор ўртасида янги савдо магазинлари, расталари тикланади.

Гумбазли бозор икки қаватдан иборат бўлиб, биринчи қаватида гўшт, сут, ҳўл мева, сабзавотлар, иккинчи қаватида қуритилган меваларни сотилади, жами 1200 савдо ўрнига эга. Унинг гумбази атрофидаги майдонда эса қовун, тарвуз, сабзавот ва меваларни очиқ сотишга мўлжалланган 1500 савдо ўрнига эга бўлган майдон ташкил қилинади. Умуман, бу ерда бир йўла 2700 — 3000 деҳқон савдо қилиши мумкин.

Бинонинг ерости қисми бозор хизмати учун мўлжалланган хоналар — совутгич хоналари, маҳсулотларни сақлаб бериш омборлари, маъмурият идоралари, назоратчилар бўлмаларидан иборат бўлади. Бозордаги юк ташиш, юк тушириш каби ишлар барчаси механизациялаштирилади.

Бозор гумбазининг ости ва усти ранг-баранг кошинлар билан безатилади. Халқ амалий-миллий меъморчилик санъати намуналари асосида расмлар-безаклар чизилади. Мовий фон гумбазнинг кўркини, салобатини янада оширади. Бозорга туташ расталардан ташқари бу ерда яна кўпқаватли бино — янги меҳмонхона ҳам қурилади.

Бозор қурилишининг иккинчи босқичида, янги бозор тўла ишга тушгандан кейин ҳозирги ишлаб турган расталар, дўконлар вақтинча таъмирлаш учун ёпилади. Бу ердаги мустаҳкам бинога жойлашган магазинлар сақлаб қолинади, эскилари эса бузилиб, янги бозор майдони барпо этилади ва саноат молларини сотиш учун ярмарка ташкил қилинади. Хуллас, бозор халқимиз учун барча қулайликларга эга бўлган масканга айланади.

— Тарихимиздан маълумки, катта шаҳарлар бозорлари фақат моддий неъматлар сотладиган маскангина эмас, халқнинг сиёсий-маънавий ҳаётида катта ўрин тутган жой бўлган. Бу бозор лойиҳасида халқимизнинг ана шу ўзига хос анъаналари эътиборга олинганми?

— Албатта. Бозор ҳар бир халқнинг ўзига хослигини кўрсатувчи жой сифатида бу ерда ҳам ҳар хил маданий масканларга алоҳида аҳамият берилган. Масалан, «Болалар дунёси» магазини олдида бозорнинг энг катта майдони ташкил қилинади.

Бу майдонда халқ сайллари, қовун сайллари, Наврўз, ҳосил байрамлари каби тантаналар уюштирилади. Санъаткорлар чиқишлари, дорбозлик ўйинлари, кексалар дам олишлари учун имкониятлар яратилади. Шунингдек, бу ерда халқ амалий санъати намуналари кўргазмалари ва ким ошди савдоларини ҳам уюштириш мумкин бўлади.

Кейинги йилларда халқ амалий санъатига эътибор кучаймоқда. Санъатимизнинг йўқолиб кетаётган баъзи турлари қайта тикланмоқда. Уни оммалаштиришнинг энг яхши йўли эса бозор. Шу мақсадда янги бозорнинг Беруний кўчасига туташган майдонида халқ амалий санъати усталарига — темирчилар, бешикчилар, мисгарлар, дурадгорлар, наққошлар ва бошқалар учун устаханалар қуришни лойиҳалаштирган эдик. Устаханалар ҳозир қурилмоқда, улар яқин кунларда ишга туширилади. Бу қурилишларнинг ҳаммасида ўзбек миллий меъморчилик анъаналари сақланиб қолинади.

— Агар имкон бўлса янги бозор комплекси лойиҳасини яратган коллектив билан ҳам таништирсангиз.

— Бозор комплексининг лойиҳаси менинг раҳбарлигимда Тошкент шаҳар қурилишини лойиҳалаш ва таъмирлаш институтининг бир гуруҳ меъморлари, инженерлари томонидан тайёрланди. Улар орасида архитекторлардан Д. Азимов, инженерлардан Д. Исломов, К. Ли, И. Кирилец кабиларни кўрса тиш мумкин.

Шу ўринда мен бозор номи ҳақидаги кўнглимдаги бир фикрни ўртага ташламоқчи эдим. Маълумки бу бозор расмий ҳужжатларда Октябрь колхоз бозори деб юритилиб келинган. Эндиликда бозор қиёфаси, унинг хизмат доираси ҳам ўзгармоқда. Демак, унга муносиб ном керак. Эҳтимол, уни халқ томонидан айтилиб келинаётганидек, «Чорсу»ми, «Эски Жува»ми деб ёки «Шарқ»ми, «Туркистон»ми деб аташ лозим бўлар. Эҳтимол, бошқа ном бўлар, хуллас, у халқимиз дилига, ғурурига яқин бўлсин.

ЙЎЛДАГИ ҒАВҒОЛАР

Мамараим ота Сариосиёдан Тошкентнинг Олой бозорига бир машина хурмою анор билан кириб келди-ю, оғзи очилиб қолди. Бозор хурмо билан анорга тўлиб кетибди. Ҳар ким ўз молини мақтаб сотяпти. Айниқса, ингичка мўйловли ёшгина йигитнинг лаби лабига тегмайди:

— Кеп қолинг, оп қолинг! Хурмо эмас, асал егандай бўласиз, килоси уч сўм!

Йигит Мамараим отага танишдай кўринди. Нималарнидир эслаб бир оз ўйланиб турди-да, кейин шаҳд билан унга рўбарў бўлди:

— Хўш, ўғлим, хурмонинг баҳоси қанчадан бўлди?

— Уч сўмдан! — Йигит шундай деди-ю, дафъатан Мамараим отага қараб нафаси ичига тушиб кетди.

— Ҳа, танидингми, ўғлим? — Мамараим ота темирни қизиғида босди. — Менам сариосиёликман. Эсингдами, 10—15 кун аввал ҳовлимга дабдурустдан кириб борувдинг. Мен болаларим, неваралларим билан хурмо тераётган эдим. Сотасизми, дединг. Йўқ, ўзим бозорга олиб чиқаман, дедим. Сен ундай бўлса, Тошкентга олиб борманг, хурмо кўплигидан ўтмай ётибди, дединг. Сўнгра йўл харажати кўплигини ҳам айтган эдинг.

Гапинг тўғри чиқди. Йўлда кўринган милиция борки, ҳаммаси машинани тўхтатиб ўз «улуши»ни олди. Шофёрларнинг сурбетлигинику, айтмай қўя қолай. Тошкентга 700-800 сўмдан камига олиб келишмас экан. Аммо йўлкира қоғозини 240-250 сўм қилиб тўлдиришар экан. ГАИни ёмон ўргатганлар ҳам аслида шу шофёрларнинг ўзлари экан. Милициянинг қораси кўринишидан қўлига «арзимас» пул олиб тушишади. Саломлашиш борасида ГАИ ходимларининг қўлларига пул қистириб қўйишади.

Сурхондарёдан чиқишимиз билан Деҳқонободда машинамизни тўхтатишди. Шофёр қўлимдаги ҳужжатларни олиб ГАИ хонасига кириб кетганича, анча вақт ҳаялламоқ қолди. Ахийри, ўзим кириб бордим. Милиционерлар «Хурмо карантиндан ўтмаган экан, қоғози йўқ, қўймаймиз» деб туриб олишди. Кейин муддаоларини сўрадим. Барака топкурлар 5—6 дона хурмонинг илинжида экан. Битласи ўзимга, иккинчиси бошлиққа, деб хурмо сўради. Олақол, тезроқ қўйиб юборсанг бўлди, деб яшикларнинг биттасини очдим. Пақири ҳам тайёр экан: 27-28 кило мева солинган яшикда 4-5 кило хурмо қолди, холос.

Бир амаллаб Тошкентга кириб олдик. Буни қарангки, бозорга кундузи машинада юк киритилмас экан. Қош қорайишини кутамиз энди...

Мамараим ота тин олиб, оғир хўрсинди. Суҳбатга олмасини артиб, пештахта устига тераётган отахон қўшилди:

— Юкни киритиш учун дарвоза олдида ўтирган бозорга қоровули қўлига 8-10 сўм тутишингиз керак. Шундан кейин машина бозорга киради. Яшикларни тушириш, жойлаштириш ҳам ўзўзидан бўлмайди, пулдан озгина чўзишингиз керак...

Мамараим ота олмафурушнинг айтганини қилди. Юк туширилгунча алламаҳал бўлиб қолди. Тунаш учун «Дўстлик» меҳмонхонасига йўл олди. Унга жой бериш нарида турсин, лоақал эшик ҳам очишмади. Отахон ноилож бозорга қайтиб келди. Шу тариқа совуқда дийдираб тонг орттирди. Эрталаб бошқалар қатори у ҳам ўз мевасини растага терди. Бироқ шу куни ҳам, эртасига ҳам савдоси юришмади.

Учинчи куни зимдан разм солса, баъзи кишилар эрталаб 8-10 яшик мева-чевасини енгил машинада олиб чиқиб кетиб, аллақайларда сотиб келишяпти. Мамараим ота ҳам улардан ўрнак олмоқчи бўлди. Шу мақсадда машина ёллади.

— Майли, — дейишди «ҳожатбарорлар» унинг илтимосига жавобан. — Фақат олиб бориш ва қайтариб келиш учун яшигига уч сўмдан берасиз.

Отахоннинг кўнишдан бошқа иложи йўқ эди. Кейинги куни тонг саҳарлаб ўзи билмаган шаҳар кўчаларидан бирининг муюлишида савдо очди. Иши анча юришиб кетди. Аммо бу ерда ҳам таъмагирлар кўп экан. Участковойман деб биттаси келса, райисполкомдан деб иккинчиси келади. Биттасиям қуруқ қайтмайди. Бешўн сўмга кўнмайди. Боз устига қоғоз халта олиб, уни тўлдириб қўлига тутқазиш керак. Ахийри ҳаммаси Мамараим отанинг жонига теги. Бундан кўра ўзимизда сотганим минг марта маъқул деди-ю, кўч-кўронини кўтариб, Сариосиё томон йўл олди. Шундан сўнг...

Бу ҳангомалар ўтган йилнинг кузида бўлган эди. Шундан сўнг аҳвол янада баттарлашди. Бугунни-ку айта кўрманг... Мени фақат бир савол ўйлантиради: биз деҳқонга ўзи етиштирган маҳсулотни бемалол сотиши учун қачон имконият яратиб берамиз? Унинг нонига шерик бўлаётганларни ким тартибга чақиради?..

Маъмуржон БОТИРОВ

Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси ва СССР Адабиёт жамғармасининг Ўзбекистон бўлими СССР Ёзувчилар уюшмасининг аъзоси Мели Фармоновга отаси

Ҳазратқул ФАРМОНОВ

вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор қиладилар.

Ўзбекистон ССР Маданият нозирлиги, маданият ходимлари касаба уюшмасининг жумҳурият комитети ва Тошкент маданий-оқартув техникуми жамоаси СССР Маданият нозирлиги аъзолиги, техникум директорининг амалий ўқув ишлар бўйича муовини

Алихон ШЕРҲОНОВ

вафот этганлигини чуқур қайғу билан билдириб, марҳумнинг оила аъзоларига таъзия изҳор этади.

ТОВУҚ ВА ТУХУМ ҲАҚИДА КИМ ҚАНДАЙ ЁЗАРДИ?

Абдулла ОРИПОВ:

Тухумдан чиқди-ю келтириб уни,
Мана шу катакка қамаб қўйдилар.
Ташландиқ ушоқ еб ўтади кунн,
Унга шу озиқни маъқул билдилар.
Шўрликка шафқат йўқ ўрдак ё ғоза,
Тушида кўради очиқ самони.
Менга алам қилар, жўжахўрозча
Бир ифлос катак деб билар дунёни!

Рауф ПАРФИ:

Катак тинчиб қолди. Тун яқин.
Тождай қизил уфқнинг пардаси.
Кўнгил тинчир қўноққа боқиб:
Товуқлар жойида ҳаммаси...
Чипор товуқ эгади бошин,
Демак, тухум бўлар эртага.
Ана, патин тўзғитиб сочди
Хўроз — товуқларнинг эркаги!

Муҳаммад СОЛИҲ:

Мана шу
гердайиб турган дакан хўроз,
Бир вақтлар жўжа эди.
Бир вақтлар чийиллаб юрарди
оёқ остида.
Энди эса қичқириб уйғотар
бизларни.

Бир вақтлар
мушукдан қўрқар эди,
Энди эса пичоқдан қўрқар
Мана шу хўроз...

Рамз БОБОЖОН:

(достондан парча)

Товуқлар,
бу шонли, улуғ Ватаннинг
Бажармоқлик учун планларини
Кунига бир жуфтдан тухум туғамиз!
Дея эълон қилди шиорларини!
Ҳа, баракалла!

Абдували ҚУТБИДДИН:

Чилдирмачи Сабо силкиганда қўл,
Донталаб товуққа тўлар ўнгу сўл.
Ариқ ёқасидан қанотлари ҳўл
Бир товуқ келмоқда, бир товуқ.
Бодларни уйғотиб югурар хўроз,
Катак бурчагидан учади овоз:
Кўзлари шабнаму қаноти қоғоз
Бир товуқ келмоқда,
бир товуқ.
Во-ей, во-еййй...

Икром МИРЗО АЛИ

ЎҒРИ

Матқовул тахта-ёғоч омборида қоровул бўлиб ишлайди. Бир ҳисобда қоровулчилик ҳам яхши иш экан. Ҳафтада уч кун ишлаб тўрт кун дам олади. Бўш кунлари бола-чақани эргаштириб далага чиқади. Ижарага ер олиб картошка эккан. Бугун у навбатчиликда. Каравотда чўзилганча дам олмоқда. Ётиб-ётиб кўзи энди илинган эди тарақлаган овоздан чўчиб уйғонди. Ҳужранинг деворига суяб қўйилган, юз йилдан бўён ўқ қўрмаган «беш отар»ни шошиб қўлга олиб, ўрнидан турди. Негадир оёғига титроқ кирди.

— Ким у?! Тўхта, отаман! — деди у милтиқни ўғри томонга тўғрилаб.

Ўғри судраб кетаётган тахтасини ташламасдан тош қотиб қолди.

— Ташла тахтани, ҳой ўғри!

Ўғри жойидан қимирламай жим турарди.

Матқовул унга яқинроқ борди.

— Ие, Исоқ, сенмисан? Нима жин урди сени? Тахта керак экан ўзимга айта қолмайсанми? Ўяте-е, ташла тахтани!

— Йўқ, ташламайман!

— Ие, нега? Сен тоза сурбет ўғри экансан-ку.

— Бўпти, тахтангни ташлайман. Фақат ўтган йили олган етмиш икки сўм қарзингни тўлаб қўй. Сўрайверриб юз ҳам қолмади!

— Ҳа, гап буёқда де. Майли олган қарзимни бераман, — деди Матқовул милтиқни деворга суяб.

— Унақаси кетмайди! — баланд келди ўғри, — ё ҳозир қарзингни берасан, ёки шу тахтани уйимга олиб кетаман!

Ўртага совуқ жимлик чўкди.

— Бўл, жавобингни айт, қўлим толиб кетди, — ўдағайлашга ўтди ўғри.

— Падарингга лаънат!

— Кимнинг падарига лаънат?!

— Кимнинг бўлади, сендан қарз олганнинг-да.

— Хўп, шу тахта бинан қутуламанми сендан?

— Йўқ! — деди ўғри, — бу тахтани бозорда ўттиз сўмга ҳам олмайди! Яна келаман! Яна анови бобонгдан қолган занг босган милтиғингни кўтариб менга ўшқириб юрма. Ҳужрангга кириб уйқуни уравер. Мен ўзим имижимида секин олиб кетаман...

Ўғри худди холасини уйидан чиқиб кетаётгандай тахтани елкасига дадил олиб намойишкорона юриб Матқовулнинг бурни тагидан ўтиб кетди...

Назиржон РАҲИМОВ

ЭНАГА ГАПИ

Сафар БАРНОЕВ

ЛАЙЛАКНИНГ АРЗИ

Бухорога лайлаклар
келмай қўйди
(суҳбатдан)

Биз ҳам энди яхши нима,
Ёмон нима фарқ этдик.
Уямизни қолдириб
Бухорони тарк этдик.
Балки бир кун қолармиз
Кетсак... бўлмас қиёмат.
Яна айтманг, мнинг йил
яшаб,
Энди қилди хиёнат...
Тўғри, бизни болажонлар
Тутмадилар кесакка.
Қўнар бўлсак қанотимиз
Тегиб ўтди кўсакка.
«Оқ олтин»ни хуш
кўрамиз.
Бормангиз унчаларга...
Уямизни ижарага
Бердик мусичаларга...

БИЗ...

Биз болапарвар юрт,
Тинмас жаҳнимиз.
Деймиз болаларни
Келажагимиз.
Бошин силаймиз,
Етим-есирлар.
Ўзимиз емаймиз,
Деймиз есинлар.
Қайда учраб қолса
Ғариб, нотавон.
Кирар сафимизга
Келиб соғ-омон.
Меҳрини аямас
Ундан оналар.
Шундан кўпаймоқда
Етимхоналар.
Оталар не қилар,
Уларчи, нуқул
Етимхоналарга
Бўлар қоровул.

ПАШШАНИНГ ҲАСРАТИ

Маконимиз йўқ бизнинг,
Не топсак бўлар емак.
Қайга кўнсак ўша ер
Бизники бўлар, демак.

ЯНГИ ЭЪЛОН

Эълон шундай: —
Мен ва Латиф
Очдик катта
Ко-пе-ра-тив.
Ғунча эдик,
Мана энди,
Илдиз отиб
Гул-лай-миз.
Булутларни
Тарозуда
Тортиб, сизга
Пул-лай-миз.

ЧОЙХОНА ХАБАРЛАРИ

ШИФОХОНАГА МАРҲАМАТ!

Қўшбулоқ район касалхонаси маъмуриятининг ташаббуси билан «Яшил табиат» кооперативи иш бошлади. Кооператив шифокорлари беморларни асосан табиат кўкатлари — кашничи, шивит, райҳон, ҳулва, исмалоқ, отқулоқ, йўғничқа билан даволашади.

Шифохонада даволанишни истаганлар юқорида номлари тилга олинган кўкатларни ўзлари билан олиб келишлари шарт.

ЯХШИ ТАШАББУС

«Саховат» ресторани коллективи ажойиб ташаббус билан чиқди. Улар яқинда шанбалик уюштириб, бир кунлик иш ҳақларини ошхоналар трестининг бошлиғи Норинбой Қоринбоевнинг янги қурилаётган иморати учун топширдилар. «Саховат»чилар ташаббусига қўшилган бошқа ошхонаю ресторан, буфету дўкончалар ходимлари ҳам Қоринбоев ҳисобига қўлдан келганча пул ўтказмоқдалар.

ЭЪЛОН

Қанд касаллиги билан оғриган кишиларга паттаси бўлишидан қатъи назар қанд-шакар сотилмайди. Бу ҳақда район поликлиникасидан махсус кўрсатма берилган.

Э. СОҲИБНАЗАРОВ

СЕМИНАР

«Қизил байроқ» колхозида ариқларни қазиш ва тозалашга бағишланган семинар бўлди.

Лектор Тўтигул Яшнарова сувнинг аҳамияти ҳақида колхозчиларга сўзлаб берди. Врач Таъмагиров ариқ қазиш пайтида резина этик кийиш зарурлигини алоҳида таъкидлади. Инженер Алдар Сатторов «Кетмонни қандай ушлаш керак?» деган темада чиқиш қилди.

Семинар сўнгида колхозчилар «меҳмонлар»га атаб зиёфат уюштирди.

Э. ТОНГОТАРОВ

Рассом Ш. СУБҲОНОВ Рассом Р. АБЛЯЕВ

ЯНГИ МАҚОЛЛАР

Қарз узилар, «Жигули» ёнга қолар.

●

Чучварани хомида сана.

●

Дўст бошга қарар, порахўр — қўлга.

●

Дарёни сув тоширар, пивони — кўпик.

●

Аввал қўлига боқ, сўнг — ўзига.

●

Ўқиган абитуриент ўзар,
Ўқимагани — чўзар.

●

Зар қадрини заргар билар, қайтим қадрини — сотувчи

Муҳсинжон МАМАЖОНОВ

Тоғани шамол учирса, жиянни осмонда кўр.

●

Куни битган ходим бошлиққа ғамза қилар.

●

Дачасини кўриб, қизини ол.

●

Чиқим — душман, кирим — дўст.

●

Тама билан пора эгизак.

●

Бюрократдан «қўл» сўрагунча, котибадан «йўл» сўра.

●

Қамоқхонага манқурт ярашур.

●

Бошлиқники халтада, ходимники ўртада.

●

Бошлиққа бирни берсанг, ходимдан мингни оласан.

Зафар БЕГМАТОВ

Владимир Войнович 1980 йилда Совет Иттифоқини тарк этишга мажбур бўлади. Унинг сабр косасини тўлдирган сўнгги томчи аскарларимизнинг Афғонистонга бостириб кириши бўлди. 1981 йилда Л. И. Брежнев фармони билан ёзувчи совет фуқаролигидан маҳрум қилинди. У Фармонни ўқиган заҳоти Л. И. Брежневга мактуб ёзади:

«Жаноб Брежнев,

Сиз менинг камтарона хизматимни жуда юқори баҳоладингиз. Мен совет давлатининг обрўсини туширган эмасман. Чунки унинг раҳбарлари ҳаракати билан ва Сизнинг шахсий хизматингиз туфайли совет давлатининг ҳеч қандай обрўси қолмади. Шу сабабли энг аввало ўзингизни фуқароликдан маҳрум қилсангиз адолатли бўларди.

Ўзимнинг ички кўтаринки руҳим туфайли шунга аминманки, яқин вақтларда Сизнинг қашшоқ ватанимизни маданий қимматини адо қилган барча фармонларингиз бекор қилинажак... Ўқувчиларим Сизнинг китобларингиздан 20 килограммдан мақулатура топшириб менинг оддий аскар Чонкин ҳақидаги китобимга патта оладилар».

Бу мактуб 1981 йилнинг июль ойида ёзилган. Бугун — 1990 йилнинг июли. Замон ўзгарди. Қимматлар ўз қадрини топмоқда. Ўтмишга боқсанг: истеъдодли шоир — қамалган, ҳақсўз адиб — отилган, ростгўй асар — ман қилинган... Баъзан ҳали қамалмаганингдан, китобинг ман қилинмаганидан уяласан, киши. Мен ўзи арзигулик ёзувчиманми? Хайрият, замон аста-секин, оғрининг ўзгармоқда.

ГФЖда — Мюнхен шаҳрида яшаётган рус адиби Владимир Войнович асарлари ҳам жамиятимиздаги ижобий эврилишларга хизмат қилади, деган умидимиз бор.

ТАРЖИМОН

Владимир ВОЙНОВИЧ

КЕМА ҲАҚИДА ЭРТАК

Қани, ҳей-ё-ҳув, мана сизга яна бир эртак. Аллақайси мамлакатдаги аллақайси давлатда аллақандай кема бор эди. Путурдан кетган эди кема шўрлик, зўрға саёз кечувлар орқали А портидан Б портига қатнарди. Ва орқага қайтарди. Унинг йўловчилари ҳам ҳар хил одамлар бўларди. Амлакдорлар, капиталистлар, муллалар, савдогарлар, ҳарбийлар, талабалар ва оддий халқ, яъни ишчилару деҳқонлар. Булар асосан бўлмалар ва остхоналарда ўрнашганлар. Ишчиларнинг аксари оч-ялангоч тараллабедодчилар бўлса, деҳқонлар ҳали тамом адо бўлганича йўқ, тўрвасида ул-булни ортмоқлаб кезгувчи эдилар. Ҳа шу кўйи йиллар давомида ким бозорга, ким масжидга, ким корхонага, ким рўзғор ташвишида яна биров исён ва намойишларга қатнашардилар.

Суза-суза шунга етдиларки, кемани бир куни қароқчилар босиб олишди. Йўқ булар ёмон қароқчилар эмас, яхши қароқчилар эдилар. Улар йўловчиларни А портидан Б портига эмас, коммунизмга — Лимонистон диёрига элтмоққа қарор қилгандилар. У диёрда лимонлар ўсади, ариқларда сут оқади, қирғоқлар қиёмдан ато бўлган. Йўловчилар кўп бўлгани, кема эскирганини, йўл анча олис эканини ҳисоба олиб юкни енгиллатиш учун айримларни кемадан сувга ирғитиб юборишга қарор қилишди. Капиталистларни, амлакдорларни, муллалар, савдогарлару ҳарбийларни гирдоб қаърига равона қилдилар. Уларнинг денгизда сузишлари осон бўлсин учун табиийки, соатлари, хочу занжирчалари, пулларини олиб қолдилар. Зиёлиларнинг ҳам бир қисмини сувга ирғитишди, қолганини кейинроқда, нарироққа улоқтириш учун қолдиришди. Кема командасини ҳам сувга ташлашди, ўз одамларини қўйишди. Энди, аввало хариталар, йўлланма ва ҳар хил денгизга оид китобларни титиб, Лимонистон мамлакатини излашга тушдилар. Изладилар, изладилар — тополмадилар. Қароқчиларнинг доҳийси, энди у кема дарғаси эди, шундай деди: «Бу харита-париталарнинг бизга кераги йўқ чунки бизда Карл Марксниг «Капитал» асари бор, у бизни олға бошлайди».

Хариталару муқаддас китобларни ёқиб, ёруғида «Капитал»ни ўқишга тушдилар. «Капитал»да эса Лимонистон шундай уфқнинг ортида, дейилган. Қарашса, уфқ узоқ эмас, шундоқ кўринib турибди, энди, йўловчиларнинг бир қисми сувга ирғитилгач, енгиллашган кема билан ҳаш-паш дегунча етиб олса бўлади. Кема тумшуғини уфққа ўнглаб, сузишда давом этдилар. Шунда илк бор сув ости қирратошлари кўндаланг кела бошлади. Бош қотириб ўйлашди — хўш нима қилмоқ керак? Қирратошларни айланиб ўтишсинми ёки тикка солса ҳам бўлармикан?!

Дарға ақлли одам эди, шундай деди: «Қирратошларни кўра туриб, тикка бориш — ўта аҳмоқлик, тутуруқсиз гап. Ҳақиқий денгизчи чап беришни билиши керак».

Эртакни тез айтса бўлади, ишни тез битириб бўлмайди. Қирратошлар орасидан айланиб сузиб ўтгунча, дарға шамоллаб қолди ва бандаликни бажо келтирди, бошқарув минбарини ёрдамчисига бўшатиб берди.

Бу эса, жойни эгаллаб у ён-буён ўгирилди, «Капитал»ни варақлади ва янгича қарор қилди: «Начора, — деди у, гуржича мўйловини силаб, трубка чекар экан, — айланиб юришлар етар. Буткул олдинга!»

Унга қирратошлар кўринib турибди, қандай олға юриб бўлади, дейишди. «Ҳечқиси йўқ, — деди у, — иложини топармиз. Энди бизда назария шунақа! Қирратошларнинг тепасидан ўтиш учун кема енгил бўлиши лозим, бунинг учун ортиқча оғирликдан қутулиш керак». Ортиқча оғирлик тўрва орқалаган деҳқонлар экан. Тўрвасини олиб, деҳқонларни ҳам сувга ирғитишди, кема янада енгиллашди. Афсуски, қароқчиларнинг ичида ҳам ишончи сустлар бор экан. Деҳқонларни ташлаш ҳам керак, аммо раҳматлик биринчи дарға бизни чап беришга ҳам ўргатган эди, дейишди. Дастакни олиб биров ўнга бурди, бошқаси аксинча, сўлга тортди. Кейин улар шундай ном олишди — сўл эсерлар ва ўнг уклонистлар. Дарға уларни ҳам, буларни ҳам сувга — акулаларга ирғитишни буюрди. Акулалар эса, ўзингизга маълум, ўнглар-сўллар, деб ажратиб ўтиришмади, ҳаммасининг мазаси бир, деб иштаҳа билан паққос туширишди.

«Энди эса, — деди мўйловли дарға, — буткул олдинга, уфққа яқин қолди». Кема чиқиқириб сузади. Ўт солувчилар тошкўмир ташлашади. қозон қайнайди, кема бор кучи билан олдинга талпинади, қарийб уфққа етай-етай, дейди. Сузиш зерикарли бўлмаслиги учун дарға қолган-қутган зиёлиларга қувноқ қўшиқлар тўқишни буюрди.

Зиёлилар тўқишди, бошқарувчилар ва йўловчилар куйлашди:

Йўлимиз ҳақдир,
Йўлимиз аён.
Уфққа етажакмиз.
Унда Лимонистон.

Ана сузишди, мана сузишди, уфқ эса шундоқ қаршиларида, жуда яқин эди. Улар сафарга чиққан замин олис да қолиб кетган, орқада ҳам, ён-атрофда ҳам уфқдан бошқа ҳеч нарса кўринмасди. Айримлар қачонлардир қуруқликда яшаганларини ҳам унута бошлаган, момолар ҳам аллақачон набираларига орқада, узоқда қолиб кетган замин ҳақида эртаклар айтаётган эдилар. У заминда лимонлар ўсмайди, дарёларда сут оқмайди, аммо одамлар бир илож қилиб яшашади.

Кема дарғаларига барибир, тошкўмир тиқишади, буғ бурқсиб турибди, аммо йўловчилар орасида саросима сезилмоқда. Агар уфқда ҳеч қандай Лимонистон кўрин маётган экан, орқага қайтсак бўлармиди. У ёқда Лимонистон бўлмаса-да, ҳар ҳолда замин бор.

Бу шубҳали йўловчиларни ҳам сувга — оч акулаларга ирғитишди.

Шу тахлит, озми-кўпми, ўттиз йил сузишди, сузиб боришаётгуди, иккинчи дарға ҳам қазо қилди. Ҳамма уни мангу барҳаёт, деб ҳисобларди, негадир ўлди-я, шўрлик.

Учинчи дарға тўполончи чиқиб қолди. У шундай деди: «Модомики, тўрт томон уфқ экан, гоҳ у ён-гоҳ бу ён сузамиз ва бир куни барибир Лимонияга етамиз».

Унга озиқ-овқат тугаётибди, қандай қилиб етамиз, деҳқонлардан тортиб олганимизни ҳам еб тугатаяпмиз, дейишди.

Ҳечқиси йўқ, деди у, палубага маккажўхори экамиз, зоғора еймиз.

Қўшиқ билан ишга шўнғиб кетишди.

Тахминан шундай қўшиқлар айтишарди:

Сувларнинг таги чуқур,
Йўллар адоғи узун.
Аммо йўлимиз аён.
Маккажўхори экамиз,
Зоғора еймиз, охир
Етамиз сенга, Лимонистон.

Ҳамма ёққа маккажўхори экишди. Юқори палубага ҳам, паст палубага ҳам, кеманинг қаншарига ҳам, орқа томонга ҳам экишди. Маккажўхори тарвақайлаб ўсди, улкан бўйли бўлди. Шу қадар улканки, ортида ҳеч қанақа уфқ ҳам кўринмай кетди. Рости гап, фақат поядан иборат бўлди, аммо ҳали юмшоқлигида, шилимшиқ сути қочмаган пайти пояни еса бўлади. Сигирлар, масалан, жон деб ейди. Кемада аллақачон сигирлар қолмагани туфайли маккайи поясини йўловчиларнинг ўзи тановул қилишди. Қоринлари тўйгач, фитна уюштириб, дарғанинг ўзини акулаларга равона қилишди.

Бошқарув кўпригида тўртинчи дарға пайдо бўлди — қошлари кенг, қиғрайқараш ли, қомати расо йигит. Бу тўполончи эмас экан. Палубага маккажўхори эктирмади ва у ён-бу ён сузишга мажбур қилмади. Тезликни ҳам бироз пасайтиришни буюрди, чунки уфқ ортида ҳам уфқдан бошқа ҳеч вақо йўқлиги аён бўлган эди.

«Лимонистонга қачон етамиз?» — деб сўрашди ундан. Яқинда бўлади, деди у, келинглар, кутиб ўтиргунча, кўнгилхушлик қиламиз. «Хўш, қандай кўнгилхушлик қиламиз?» — деб сўрашди яна. Келинглар, деди у, байрамларни нишонлаймиз. «Қанақа байрамлар?» — сўрашди яна. Ҳар хил байрамлар, деди у. Заминдан кетганлигимизнинг йиллиги ва менинг туғилган кунларим. Яна, деди у, сизлар мени ҳар хил орденлар билан мукофотлайсизлар ва қарсак чаласизлар, мен эса йиғлайман.

Айтиш керак, бу дарға кашфиётчи эди. Одамлар уни орденлар билан мукофотлар ва қарсак чалар, у йиғлар ва яна нималарнидир ўйлаб топарди. Энди, деди у, мени дарға эмас, адмирал, деб атанглар. Энди, келинглар, мен кичик ерлар, қўриқлар ҳақида китоблар ёзаман, сизлар уни ўрганасиз ва конспектлаштирасиз.

Майли, дейишди одамлар.

Ана-мана дегунча адмирал «Қандай қилиб сузишни ўргандим» номли ўзини биринчи эсдаликлар китобини ёзди. У ёзди, кема командаси ва йўловчилар ўқиб-ўрганишди, конспектлаштиришди, Лимонистон ҳақида унутаёзган ҳам эдилар. Айтиш керак, тошкўмир деярли тугаб қолган, қозон совуган, кема ҳам йўловчилар ҳам сузмай қўйган, шунинг учун китобни ўқишга вақт етарли эди. Китоб доҳиёна бўлиб, ҳар қандай мукофотга арзирди. Мана, Ад мирални мукофотлашди. Бир саҳифа ўқишади — Адмиралга медаль, бир бобни ўқишади — орден. Бутун китоб учун унга Қора денгиз Қаҳрамони унвонини беришади. Бу унга ёқди. «Сузишни қандай ўргандим» номли эсдаликларини иккинчи жилдини ёзди. Кейин давом этди. «Қандай қилиб дарға бўлдим» ва «Қандай қилиб адмирал бўлдим». Уни биринкетин орден ва унвонлар билан мукофотлашаверди. У Оқ денгиз Қаҳрамони, Қизил денгиз Қаҳрамони, Болтиқ денгизи Қаҳрамони ва Тўрт Баҳри Уммон Қаҳрамони бўлди. Кейин унга дунё адабиёти Классиги унвонини махсус орден билан беришга қарор қилишди. Айтиш керак, Адмирал аввалги орденлари билан зўрға оёқда турарди. Унга охирги орденни топширишаётганда, шўрлик кўксига осилган темиртақанинг оғирлигини кўтаролмай, беҳосдан йиқилди ва орденларга кўмилган кўйи қайтиб турмади.

Адмиралдан сўнг кемани бошқаришни бошқалар қўлга олишди. Улардан иккитаси дарҳол қазо қилди, улар ҳақида айтиб ўтирмаса ҳам бўлади.

Ниҳоят бошқарув кўпригига янги авлод кишиси келди. У Лимонистон диёри у ёқда турсин, оддий ерни ҳам кўрмаган, чунки шу кемада туғилган эди. Буниси камтар чиқди. Мени Адмирал деб атаманглар, дейди, мен бор йўғи дарғаман, дейди, орденлар ҳам бераверманглар, чунки мен ҳали арзигулик иш қилганим йўқ, дейди. Келинглар, дабдабабозлик ва сўзамолликни камроқ қилайлик, келинглар, ишга киришайлик, Лимонистонгача бўлмаса ҳам, бирон жойгача сузиб борайлик, дейди. Ахир, биз шунчалик олис кетиб қолдикки, агар қутулмасак, чўкиб кетишимиз тайин, дейди. Чўкиб кетмасак ҳам, очликдан ёки ташналикдан ўлишимиз аниқ, дейди. Келинглар, яна олов ёқиб, қозонларни иситайлик, дейди. Албатта, тошкўмир қарийб тугади, лекин адмиралнинг китобларини ёқиб қозон қайнатишимиз мумкин, дейди. Умуман, дейди у, келинглар, тарихимизга танқидий муносабатда бўлайлик. Биринчи дарғани ҳисобламаганда, қолган ҳамма дарғаларимиз аҳмоқ бўлганлар. Биринчи дарға ҳеч бўлмаса чап беришни биларди. Бизнинг чап беришга ҳам имконимиз йўқ, қирратошлардан асар ҳам йўқ, улкан чуқурлик, жар бор, холос. Секинаста ортга сузишимиз керак. Албатта, шу жойга етганда янги дарғани сўроққа тутишди: қаёққа орқага, умуман, тўрт томон уфқ бўлса, орқа қаёқда ўзи?

Янги дарға шундай деди: «Биз «Капитал» аталмиш эски дастуруламалга қайтишимиз керак. Келинглар, йўлга тушайлик ва «Капитал»ни ўрганайлик. Мана, сузишмоқда, ўрганишмоқда, аммо натижасидан дарак йўқ. Чунки «Капитал»да фақат битта йўл кўрсатилган — олдинга.

Айни пайтда кема, астасекин бўлса-да, қайгадир сузиб бормоқда.

Кема командаси ва йўловчилари янги қўшиқ айтмоқ далар:

Сузяпмиз ҳали, ноаён
гарчанд,
Айтган манзилга
етмасак-да гар...
Ақлли эди биринчи дарға,
Иккинчиси — овсар.
Учинчиси — тўполончи,
Тўртинчиси — эсдалик
ёзувчи...
Ким эдилар бешинчи,
олтинчи,
Не истар эдилар —
На униси, на бунисн
Айтиб улгурмади.
Энди найлайлик?
Сузайлик қайга?
Аввалгидек гумон, начора.
Лекин энди бу ҳақда
Айтиш мумкин ошкора.

«НЕДЕЛЯ» ҳафталигининг 1990 йил 21-сонидан Карим БАҲРИЕВ таржимаси

АВВАЛ БИР СЎМ БЕР

Мен намуна қилиб кўрсатса арзийдиган эркакман, — деб ёзди Жексон ўз дўстига. — Ичмайман, чекмайман, аёллар билан юрмайман. Кечаси роппа-роса соат ўнда ухлайман, эрталаб соат олтида тураман. Кун бўйи иш билан банд бўламан. Сени ишонтириб айтишим мумкинки, мени қамоқхонадан чиқаришган куни бундай ҳаётдан воз кечаман.

●

— Ўтган ҳафта эрим шундай расм чиздики, эртаси куниёқ миллий расмлар галереясига осиб қўйишди.

— Наҳотки? Мой бўёқда чиздими ёки гуашда?

— Оддий бўёқда. Расмда бор-йўғи «Сумкаларингизни омонатга топширишни унутманг!» деган сўзлар бор.

●

— Барча виждонли кишилар сенга овоз беришига ишонаман, — деди депутатликка номзоднинг хотини эрига.

— Наҳотки шунча оз овоз олсам?

●

— Чекасизми? — деб сўради бўлғусси куёвдан қизнинг отаси.

— Йўқ.

— Ичасизми?

— Ҳеч қачон.

— Қизлар билан юришни яхши кўрасизми?

— Нима деяпсиз? Мен бундай ишлардан мутлақо йироқман.

— Унда сиз менга куёв бўлишга нолойиқ экансиз. Хотинимдан «куёвингдан ўрнак олсанг-чи» деган гап эшитишга тоқатим йўқ.

Жаксон кулади

●

— Сенга кооператив ҳақида латифа айтиб берайми?

— Айт.

— Аввал бир сўм бер.

●

— Болакай, кечалари сен ибодат қилар экансан, шу тўғримми?

— Тўғри, сэр.

— Кундуз кунлари ҳам ибодат қиласанми?

— Йўқ. Мен кундуз кунлари қўрқмайман.

●

Ганс вагонда йиғлаётган аёлни кўриб ундан сўради:

— Сизга нима бўлди, мадам? Нега йиғлаяпсиз?

— Эрим бекатда газета учун тушганди, поезд жўнаб, у қолиб кетди.

— Ҳа, сизга қийин бўлибди. Поездда газетасиз вақт ўтказиш азоб эканлигини тушунаман.

●

Ҳайвонот боғида она ўғлига деди:

— Тото, шерга яқин борма. Уларнинг бургаси кўп бўлади.

●

Ишбилармон аёл турмуш ўртоғи вафот этгач қабртошга шундай сўзларни ёздирди. «Бу ерга Жон Мактавиш дафн этилган. Тайд-стритда унинг бевасининг ажойиб ресторани бор. Ресторан ҳар куни 8 дан 22 гача ишлайди».

Б. БОБОЕРОВ тўплаган

ЖУМА КУНЛАРИ ЧИҚАДИ
БАҲОСИ 10 тийин

ЎЗБЕКИСТОН АДАБИЁТИ ВА САНЪАТИ

«ЛИТЕРАТУРА И ИСКУССТВО УЗБЕКИСТАНА»
Издается на узбекском языке

Орган Союза писателей Узбекской ССР и Министерства культуры Узбекской ССР

Редакцияга келган қўлёзма ва суратлар муаллифларига қайтарилмайди.

Бош муҳаррир Аҳмаджон МЕЛИБОЕВ
Таҳрир ҳайъати: Ҳафиз АБДУСАМАТОВ, Усмон АЗИМОВ, Ҳамидулла АҚБАРОВ, Рамз БОБОЖОН, Одил ЕҚУБОВ, Аҳмад ЖАББОРОВ, Баҳодир ЖАЛОЛОВ, Асқад МУХТОР, Абдулла ОРИПОВ, Тоҳир ШАМСИЕВ, Озод ШАРАФИДДИНОВ, Тўлапберган ҚАЙИПБЕРГАНОВ, Малик ҚАЮМОВ, Тўлқиной ҚОДИРОВА, Пиримқул ҚОДИРОВ, Иброҳим ҒАФУРОВ (бош муҳаррир ўринбосари), Маматқул ҲАЗРАТҚУЛОВ (масъул котиб)

РЕДАКЦИЯ АДРЕСИ: Тошкент — 700083, Ленинград кўчаси, 32.
ТЕЛЕФОНЛАР: бош муҳаррир — 33-52-91, 32-57-42; бош муҳаррир ўринбосари — 33-43-65, 32-54-66; масъул котиб — 33-49-93; котибот — 32-58-49; БЎЛИМЛАР: ижтимоий-сиёсий — 32-56-50; танқид ва адабиётшунослик — 32-55-98; назм ва наср — 32-55-78; санъат — 32-56-48, 32-54-56; хатлар ва оммавий ишлар — 32-56-49; шум боланинг чойхонаси — 32-54-71.

Р — 10144. Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети нашриётининг Меҳнат Қизил Байроқ орденли босмахонаси. Тошкент шаҳри. Индекс 64593. Д. — 3328. 1 2 3 4 5 6 7 8 9 10 11 12